

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРА  
АКАДЕМИЯСИ**



**“Судларда прокурор ваколатини таъминлаш”  
кафедраси  
“Тергов фаолияти” йўналиши тингловчиси  
ШАКИРОВ АКМАЛЖОН АХМАДЖОН ЎҒЛИНИНГ**

**ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШГА ДОИР НОРМАЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ  
мавзусидаги  
МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ**

**Илмий раҳбар: С.С.Усманов  
Илмий маслаҳатчи: Д.Довудова (PhD)**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## Мундарижа

<b>Кириш.....</b>	<b>3-7</b>
<b>1-БОБ. ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ ИНСТИТУТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>8-24</b>
1.1-§. Жиноят ишини тугатиш институтининг табиати ва вазифалари.....	8-17
1.2-§. Жиноят ишини тугатиш институтининг процессуал асослари ва шартлари.....	18-24
<b>2-БОБ. РЕАБИЛИТАЦИЯ АСОСЛАРИГА КЎРА ҲАМДА АЙБЛИЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ ҲАЛ ҚИЛМАЙ ТУРИБ ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.....</b>	<b>25-53</b>
2.1-§. Реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш .....	25-33
2.2-§. Айблилиқ тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш.....	33-53
<b>3-БОБ. ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШГА ОИД ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР.....</b>	<b>54-74</b>
3.1-§. Жиноят ишини тугатишга оид хорижий давлатлар тажрибаси ва таҳлили.....	54-64
3.2-§. Жиноят ишини тугатишга доир нормаларни такомиллаштириш масалалари.....	65-74
<b>Хулоса.....</b>	<b>75-77</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>78-82</b>
<b>Иловалар.....</b>	<b>83-95</b>

## КИРИШ

**Диссертацияси мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда Республикамизда инсон манфаатларининг устуворлигини таъминлаш мақсадида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан 2022-йил 28-январда қабул қилинган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармонининг қабул қилиниши давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди ва уларни босқичма-босқич амалга оширишга замин яратди. Мазкур Тараққиёт стратегиясида “жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш”<sup>1</sup> каби устувор вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, жиноят ишини тугатиш асосларини қўллаш шартларини соддалаштириш, оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод этиш имконини берадиган рағбатлантирувчи нормаларни ишлаб чиқиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашига йўл қўймаслик ҳамда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш учун жиноят-процессуал муносабатларда шахсларнинг диспозитив ҳуқуқларини янада кенгайтиришни тақозо этади. Айниқса, бу борада суд-тергов идоралари фаолиятида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсни фош этиш, жабрланувчига етказилган мулкий зарарни қоплаш, айбсиз шахсларни жавобгарликка тортилмаслиги ва реабилитация қилинишида жиноят ишини тугатиш институти муҳим роль ўйнайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилда қабул қилинган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сонли Фармони // <http://lex.uz/docs/3050491>

Суд-тергов органлари фаолиятининг таҳлили жиноят ишига қонунга хилоф равишда жалб этилган айбланувчиларни оқлаш, жиноят йўлига адашиб кириб қолган ва қилмишидан пушаймон бўлганларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳамда жиноят содир этган шахсларнинг айбига иқрор бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилишини талаб этади.

Айбсиз шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилмаслигини таъминлаш, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш йўли билан тарафлар ўртасидаги низоларни бартараф этиш, жиноят натижасида юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарни қоплашнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш масалаларининг долзарблиги бу борада чуқур илмий тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этмоқда. Жиноят содир этган шахснинг айбига иқрор бўлиб, суд-тергов органлари билан ҳамкорлик қилишини таъминлаш, жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг процессуал тартибини соддалаштириш, жиноят ишини тугатишда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини кафолатловчи миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрайдиган жиноят-процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот ишининг объекти** жиноят ишини тугатиш асослари билан боғлиқ жиноят-процессуал муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқот ишининг предмети** жиноят ишини тугатиш асосларига оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

**Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари.** Жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан, жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш; жиноят ишини

тугатиш асосларининг таснифлаш мезонларини ишлаб чиқиш; жиноят ишини тугатиш институтининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш; реабилитация асосларининг моҳиятини очиб бериш, айбсиз шахсларни оқлаш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклашнинг процессуал тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш; ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси асосида суд-тергов органларининг жиноят ишини тугатиш фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; жиноят ишини тугатиш институтига доир жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва уларни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат: жиноят процессуал қонун нормаларининг тўғри қўлланилиши ва айбсиз шахсларнинг қонунга ҳилоф равишда жавобгарликка тортилмаслигини таъминлаш учун жиноят ишини тугатиш институтини реабилитация қилинадиган ва реабилитация қилинмайдиган асосларга ажратиш таснифи ишлаб чиқилган; жабрланувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун амнистия ҳақидаги қарорларда етказилган мулкий зарарни қоплаш талаб этилган жиноят турларининг доирасини кенгайтириш зарурати асосланган; тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашishга йўл қўймаслик ҳамда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш учун давлат улуши бўлмаган юридик шахснинг мол-мулкани уларнинг ходими томонидан фирибгарлик ёки ўғирлик йўли билан талон-торож қилиш жиноятлари бўйича жиноят ишини тергов ва суд муҳокамасида тугатишни жабрланувчининг аризаси асосида амалга ошириш лозимлиги асослаб берилган; тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатишда етказилган зарарни бартараф этиш шакли ва миқдори фақат жабрланувчининг хоҳиши асосида белгиланилиши таклиф этилган.

## **Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси.**

Республикамиз ҳуқуқшунос олимлари Ғ.Абдумажидов, Ш.Бердиев, З.Ф.Иноғомжонова, Д.Камалходжаев, Р.Кабулов, А.Б.Кулахмедов,

О.М.Махкамов, К.Мирзажонов, Ф.М.Мухитдинов, Ш.Г.Ниёзова, М.А.Ражабова, М.Х.Рустамбаев, С.М.Саҳаддинов, Г.З.Тулаганова ва бошқаларнинг илмий ишларида жиноят ишини тугатиш йўли билан шахсни жавобгарликдан озод қилиш асосларининг қўлланилишига оид умумий масалалар тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатларда жиноят ишини тугатиш асосларига оид илмий изланишлар А.С.Абдигалымова, А.А.Бержанин, О.В.Волынская, А.Г.Калугин, М.А.Лавнов, М.В.Нагуляк, З.И.Сагитдинова, А.К.Ташибаева, Lilit Grigoryan каби чет эл олимлари томонидан олиб борилган.

Республикамизда жиноят-процессуал муносабатларда реабилитация (Д.Камалходжаев), суд муҳокамасида жиноят-процессуал ярашувни такомиллаштириш (С.М. Саҳаддинов), муддатларнинг ўтганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муаммолари (Ш.Г.Ниёзова) мавзуларида номзодлик ҳамда амнистия ва афв этиш назарияси ва амалиёти (К.Мирзажонов) жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жиноий жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари (Ш.Бердиев) мавзуларида докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Ушбу тадқиқотларда жиноят ишини тугатишнинг айрим жиҳатлари (реабилитация, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги, тарафларнинг ярашганлиги ҳамда жиноий жавобгарликдан озод қилиш муаммолари) тадқиқ этилган.

Юқоридаги диссертация тадқиқотларида жиноят ишини тугатиш асосларининг таснифланиши, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг процессуал тартиби, жиноят-процессуал муносабатларда шахсларнинг диспозитив

ҳуқуқларини янада кенгайтириш, шунингдек жиноят ишини тугатиш асослари ва уларни қўллашнинг процессуал тартибига доир масалалар комплекс равишда ўрганилмаган.

**Тадқиқот доирасида қўлланилган усуллар.** Диссертацияда анализ ва синтез, дедукция ва индукция, мантикийлик, тарихий-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўровлари, жиноят ишлари ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида жиноят ишини тугатиш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, диспозитив нормаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, жиноят ишини тугатиш асослари ва уларнинг қўллаш процессуал тартибини эркинлаштириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот ишининг тузилиши.** Магистрлик диссертацияси тузилиш жиҳатидан кириш, 6 та параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

# **1-БОБ. ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ ИНСТИТУТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1-§. Жиноят ишини тугатиш институтининг табиати ва вазифалари**

**Жиноят ишини тугатиш** - суриштирув, дастлабки тергов ёки судда кўрилаётган иш ҳукм чиқарилмай тугатилишидир. Яъни жиноят юз бермаган, қилмишда жиноят таркиби бўлмаган, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ушбу жиноятга дахли бўлмаган, жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтган, амнистия эълон қилиниб, унда мазкур жиноят учун жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган, айбланувчи, судланувчи вафот этган, шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлган, шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахсининг жиноят иши кўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлган, иш фақат жабрланувчининг шикояти билан кўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаган, ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахсининг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли ёхуд белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган, жиноят содир этгандан сўнг руҳий ҳолатининг ўз ҳаракатлари аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган даражада бузилиши юзага келган, ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилган,

ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган, содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганнинг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга қараб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ деб топилган, ЖК 66<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган жиноятлар бўйича жабрланувчи билан ярашган ҳолларда жиноят иши тугатилади.

Жиноят ишини тугатиш тушунчасининг моҳияти ва аҳамияти, жиноят ишини тугатиш институтига оид жиноят процессуал қонун нормаларининг ривожланиши, ушбу асосларининг таснифланиши ҳамда жиноят ишини тугатиш институти жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ўзаро боғлиқдир.

“Жиноят ишини тугатиш” тушунчаси ва унинг аҳамияти шундан иборатки, жиноят ишини тугатиш ишнинг якунловчи босқичи бўлиб, тегишли ваколатга эга бўлган мансабдор шахс иш бўйича тўпланган далиллар йиғиндисини баҳолаш орқали ушбу асосни қўллаш учун барча ҳолатлар ўз исботини топганига ишонч ҳосил қилади ва жиноят ишини тугатиш хусусида хулосага келади.

Жиноят ишини тугатишнинг предмети - реабилитация қилинмаган асосларда жиноят ишини тугатиш ва жиноий таъқиб қилиш асослари, процессуал тартибини ўрнатувчи жиноий-ҳуқуқий, жиноий-процессуал меъёрлар.

Жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсни фош этиш, жабрланувчига етказилган мулкий зарарни қоплаш, айбсиз шахсни жавобгарликка тортилмаслиги ва реабилитация қилинишида жиноят ишини тугатиш институти муҳим рол ўйнайди. Суд-тергов органлари фаолиятининг таҳлили жиноят ишига қонунга ҳилоф

равишда жалб этилган айбланувчиларни оқлаш, жиноят йўлига адашиб кириб қолган ва қилмишидан пушаймон бўлганларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳамда жиноят содир этган, айбига иқроп бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилишини талаб этади.

“Жиноят ишини тугатиш” тушунчаси қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топмаганлиги боис, юридик адабиётларда бу борада турли хил фикрлар мавжуд. Жумладан, жиноят ишини тугатиш Д.Камалходжаевнинг таъкидлашича, дастлабки терговни тамомлашнинг бошқа турларидан жиноят иши моҳиятининг тўлиқ ҳал этилиши ва якуний аҳамият касб этиши билан фарқ қилади<sup>2</sup>.

М.Х.Рустамбоевнинг фикрича, жиноят ишини тугатиш асослари деганда, келгусида ишнинг давом еттирилишини истисно этадиган қонунда кўрсатилган ҳолатлар мажмуини тушиниш лозим.<sup>3</sup>

А.Б.Қулаҳметов ва А.Я.Дубинский эса жиноят ишини тугатиш деганда, тегишли ваколатларга эга бўлган органларнинг иш юзасидан далилларни тўплаш, тадқиқ этиш, баҳолаш ва ушбу иш билан боғлиқ бошқа барча ваколатларнинг тугатилишига олиб келиш<sup>4</sup>ни тушиниш лозимлигини қайд этган.

О.В.Воленскаянинг фикрича, жиноят ишини тугатишни, биринчи навбатда, иш юзасидан хулоса чиқариш сифатида қабул қилиш лозим<sup>5</sup>, деб изоҳлаган.

Л.М. Володинанинг фикрича, “жиноят ишини тугатиш институти ҳукм чиқармай туриб ишни тамомлаш асослари, шароитлари ва

---

<sup>2</sup> Камалходжаев Д. Конституционные гарантии прекращения уголовных дел // Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари (2002 йил 14 ноябрь). – Т., 2003. – Б.151–152

<sup>3</sup> Комментарий к Уголовному кодексу Аеспублики Узбекистан. Общая часть / М.Х.Рустамбоев; Под общ. Ред. А.А.Палванзаде. – Т., 2004. – С. 532-533.

<sup>4</sup> Qulahmetov A.B. Voyaga yetmaganlar ishlari bilan shug'ullanuvchi komissiyaga materiallarni ko'rib chiqish uchun berib, jinoyat ishini tugatish. – Т., 2002. 14-bet

<sup>5</sup> Волынская.О.В. Некоторые Подходы к формированию понятия “Прекращение уголовного дела” // Российская следователь. – 2006. № 3. – С. 13-15.

процессуал тартибини ўзига хос шаклда мувофиқлаштириб турувчи ҳуқуқий нормалари тизими бўлиб, жиноий жавобгарликдан озод қилишни англатади<sup>6</sup>, деб изоҳлаган.

В.И.Радченко бошчилигидаги бир гуруҳ олимларнинг фикрича эса, жиноят ишини тугатиш деганда мазкур иш бўйича келгусида жиноят процессуал ҳаракатлар олиб борилишини истисно этадиган ҳолатлар аниқланганлиги сабабли, терговни ишни тугатиш йўли билан тамомланиши тушунилади<sup>7</sup>.

Билдирилган фикрларга қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ҳақиқатдан ҳам жиноят-процессуал муносабатлар мавжуд бўлишини инкор қиладиган юридик фактларнинг мавжудлиги жиноят ишини тугатилишига олиб келади. Лекин амалдаги Жиноят процессуал кодексида қайд этилган айрим асослар, жумладан ярашув, хусусий айблов, шунингдек шахснинг розилиги билан ишни тугатиш асосларини қўллаш учун жиноят процессуал муносабатлар мавжуд бўлишини инкор қиладиган юридик фактлар мавжуд, дея олмаймиз. Сабаби, мазкур ҳолатда жиноят иши тугатилиши ҳам, умумий тартибда давом эттирилиши ҳам мумкин.

“Жиноят ишини тугатиш” ни дастлабки терговни тамомлашнинг бир тури сифатида баҳолаб, аниқ бир ҳаётий вазиятни жиноят-процессуал воситалар ёрдамида тадқиқ этишни яқунлаш ва ушбу ҳолат бўйича жиноят ишини белгиланган тартибда расмийлаштириб қўйиш мумкин бўлса, бошқа бир томондан суд мажлисида прокурорнинг айбловдан воз кечишини жиноят ишини тугатиш, деб ҳисоблаш мумкин. Назаримизда, бу фикрлар мунозарали ва баҳсли талабдир<sup>8</sup>.

---

<sup>6</sup> Володина Л.М. Прекращение уголовных дел вследствие изменения обстановки и в связи с направлением для применения мер общественного воздействия в стадии предварительного расследования: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – Л., 1976, – С. 7.

<sup>7</sup> Уголовный процесс: Учебник для вузов / Под общ. ред. В.И. Радченко. – 24-е изд., перераб. и доп. – М., 2006. – С.101.

<sup>8</sup> Б.Муродов Жиноят ишини тугатиш Назария ва амалиёт монография -2015 й

Гарчи, хорижий мамлакатларда суд жараёнида прокурорнинг айбловдан воз кечиши жиноят ишини тугатишнинг алоҳида мустақил асоси ҳисоблансада, назаримизда, мазкур асосни Жиноят-процессуал кодексига киритиш тўғри бўлмайди. Чунки, прокурорнинг айбловдан воз кечиши - бу жиноят ишини мазмунан ҳал этишдаги унинг субъектив ёндашувидир. Аммо бугунги кунда ЖПКнинг 409-моддасида прокурорнинг айбловдан воз кечиши суд томонидан жиноят ишини реабилитация қилинишига сабаб бўлиши кўрсатилган. Аммо бу нотўри деб ҳисоблаймиз. Чунки прокурор айбловдан воз кечган тақдирда ҳам шахснинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд бўлсачи, унда суд прокурорнинг айбловдан воз кечганлигини инобатга олиб, асосиз равишда жиноят ишини тугатиши, бу эса ўз навбатида ноқонуний қарор қабул қилинишига, яъни жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини бузилишига, айб учун жавобгарлик принципини бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Чунки прокурор атайлаб айбловдан воз кечган тақдирда, суд жиноят ишини тугатиш масаласини иш бўйича тўпланган далилларга баҳо бериш орқали бевосита ҳал этиши лозим.

М.Ҳ.Рустамбоевнинг эътироф этишига қараганда, жиноий жавобгарликдан озод этиш жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар тимсолида давлат жиноят содир қилган шахсни Жиноят кодексига кўрсатилган барча ҳолатлар юзасидан ўзининг илгариги ижтимоий хавфлилик даражасини йўқотганлиги оқибатида шахсни маҳкум қилишдан воз кечишидир. Унинг фикрига қисман қўшилиш мумкин, чунончи, Жиноят кодекси 64-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бўйича шахсни жавобгарликдан озод қилишда унинг ижтимоий хавфлилик даражасини йўқотган ёки йўқотмаганлигини аниқлашнинг имконияти бўлмайди.

Ш.Бердиев, жиноий жавобгарликдан озод қилиш деганда, жиноят содир қилган, шунингдек жиноят йўлига кирган бўлса-да, аммо оғир ва ўта оғир жиноят содир этилишининг олдини олишга ҳаракат қилган

шахсга нисбатан Жиноят кодексида белгиланган асос ва шартлар билан Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) тартибида ваколатли давлат органи (тергов ва суд) томонидан суднинг айблов ҳукми чиқарилгунга қадар иш юритишнинг ҳар қандай (судга қадар ёки судда иш юритиш) босқичида жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашдан воз кечилиб, содир қилган жиноий қилмишнинг барча оқибатлари бекор қилиниши тушунилади<sup>9</sup>, дейди.

Мазкур таъриф юқорида қайд этилган тушунчалар орасида энг мукаммали бўлиб ҳисобланади. Лекин унда “оғир ва ўта оғир жиноят содир этилишининг олдини олишга ҳаракат қилган шахсга” жумласи ишлатилиб, жавобгарликдан озод қилиш институтини фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўллаш мумкинлиги кўрсатилган. Ваҳоланки, ЖКнинг 64-моддасига биноан, оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларни ҳам жавобгарликдан озод қилиш мумкин. Шунингдек, бу каби ҳолатни ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисмининг 8-бандига асосан, яъни Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилганлиги асоси билан тугатилаётган жиноят ишларида ҳам кузатиш мумкин.

Демак, жиноят ишини тугатиш тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлади: “Жиноят ишини тугатишга ваколатли мансабдор шахснинг иш бўйича тўпланган далилларни баҳолаш орқали юзага келган вазият бўйича қонунда қайд этилган муайян асосни қўллаш учун барча ҳолатлар ўз исботини топганига ишонч ҳосил қилиб, жиноят иши юритувини тугатиш тўғрисида хулосага келиши ва ишни процессуал қарор ёки ажрим чиқариш орқали тамомлашдан иборатдир”.

---

<sup>9</sup> Бердиев Ш. Жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жиноий жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. док. ... дис. – Т., 2011. – Б.13.

Жиноят ишини тугатиш жиноят ишини тамомлашнинг турларидан бири сифатида қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

— иш бўйича тўпланган далилларни таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали қонунда ишни тугатиш билан боғлиқ бўлган тегишли асосни аниқлаб, келгусида терговни давом эттириш мумкин эмаслиги тўғрисида хулоса чиқариш;

— жиноят иши материалларини талаб даражасида ҳужжатлаштириш ва тизимлаштириш (*бу одатда далилларни баҳолаш ва қайд этиш билан боғлиқ, чунки бу ҳаракатлар далиллар манбаларини тадқиқ этишда ёрдам беради*);

— жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор тайёрлаш;

— жиноят ишини тугатиш қарори билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш, жумладан гумон қилинувчи (айбланувчи, судланувчи)га нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини бекор қилиш, гумон қилинувчи (айбланувчи, судланувчи)дан олинган мулк ҳамда бошқа буюмларни қайтариб бериш ва бошқалар;

— гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва ишнинг тугатилишидан манфаатдор бўлган барча шахсларга жиноят иши тугатилгани тўғрисида хабар етказиш ва илтимосларига биноан уларни тугатилган иш материаллари билан таништириш, шунингдек, таништирув жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Жиноят ишини тугатишга бевосита ишни юритаётган мансабдор шахс ваколатлидир. Лекин жиноят ишини тугатиш масаласи ҳамма вақт ҳам фақат уларнинг хоҳиши ёки розилиги билан ҳал қилинмайди. Амалдаги жиноят процессуал нормаларга мувофиқ, жиноят ишини тугатишнинг айрим асослари юзасидан бошқа шахслар (гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи) нинг розиликлари ёки қарши эмасликлари, баъзи ҳолатларда эса хоҳишлари (ташаббуслари) ҳам талаб этилади. Жумладан, ЖПК 84-моддасининг 1-қисми

1-бандларида жиноят ишени тугатиш учун айбланувчи, судланувчи ёки улар вафот этган бўлса, уларнинг яқин қариндошлари ишени давом эттиришни талаб қилмаган бўлиши кўрсатилган. Ушбу норманинг тўртинчи қисмига мувофиқ, томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишени тугатиш учун жабрланувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилганидек, гумон қилинувчи (айбланувчи) билан ярашиш истагини билдириши керак.

Шахсга нисбатан ЖПК 83 ва 84-моддаларининг тегишли бандларида кўрсатилган асослардан бири юзасидан жиноят ишени тугатиш учун исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар исботланганлиги ва талаб этилган далилларнинг тўпланганлиги унинг асосли бўлишини таъминлайди. Акс ҳолда тугатилган иш ноқонуний ҳисобланади.

Жиноят ишени тугатиш институти шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш ёки жиноят йўлига адашиб кириб қолган кишиларга ўзларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларидан пушаймон бўлиб, тегишли жазодан озод бўлиш имконини бериши билан бирга, жамиятда келгусида жиноятчиликнинг олдини олишда *ижтимоий-сиёсий, процессуал-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий ва тарбиявий* жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят ишени тугатишнинг *ижтимоий-сиёсий* аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

– жиноят ишени тугатиш тўғрисидаги қарор (ажрим) давлат томонидан олиб борилаётган ислохотнинг инсонпарварлиги, демократик принципларга мослиги, шунингдек, суд ва тергов органларининг жиноятчиликка қарши кураш борасида олиб бораётган фаолиятини ўзида мужассам этади;

– жиноят ишени тугатиш тўғрисидаги қарор ёки ажримни фақат махсус ваколатга эга мансабдор шахс (суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки тегишли судья) чиқаради.

Жиноят ишени тугатишнинг *процессуал-хуқуқий* аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- айби бўлмаган шахсни ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш ҳолларининг олди олиниши ва айбдорларнинг фош этилиши;

- иш бўйича тўпланган барча далиллар таҳлил қилиниб, уларга яқуний баҳо берилиши ва ана шу баҳо асосида тегишли хулоса чиқарилиши;

- гумон қилинувчи (айбланувчи, судланувчи)нинг ҳимояланишдек конституциявий хуқуқи амалга оширилиши, шунингдек, жиноят процессининг бошқа иштирокчилари (жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар)нинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши;

- ишнинг яқунидан манфаатдор бўлган процесс иштирокчилари (гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва бошқалар)га қонунда белгиланган муддат давомида жиноят ишени тугатиш тўғрисида чиқарилган қарор, ажрим устидан прокурорга, юқори судга шикоят қилиш хуқуқини юзага келтирилиши;

- фуқаролар қонунга зид равишда жиноий жавобгарлик ва жазога тортилмасликлари учун процессуал кафолатлар яратилиши;

- тергов органлари ва прокурорнинг дастлабки терговнинг ҳар томонлама тўлиқ ва холисона олиб борилишини процессуал ва ташкилий назорат қилишнинг бир шакли ҳисобланиши.

Жиноят ишени тугатишнинг *жиноий-хуқуқий* аҳамияти шахснинг содир этган жиноятини квалификация қилиш ва уни жиноий жавобгарликдан озод қилиш каби масалаларни ҳал этишда мансабдор шахснинг жиноий-хуқуқий нормадан келиб чиқиши билан боғлиқ.

Жиноят ишени тугатишнинг *тарбиявий* аҳамияти шундаки:

- гумон қилинувчи (айбланувчи, судланувчи) терговчи ва судьянинг жиноят ишени тугатиш ҳақидаги қарори (ажрими)га асос бўлган

материаллар билан танишиб, тўпланган далиллар асосида хулосанинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши;

ЖПКнинг 83-моддасида кўрсатилган асослар билан жиноят ишини тугатишда айбсиз деб топилган шахсга нисбатан қўлланиладиган реабилитация чоралари нафақат гумон қилинувчи (айбланувчи, судланувчи)га ва унинг оила аъзоларига, балки ишнинг якунидан манфаатдор, шунингдек, ушбу хабардан воқиф бўлган ҳар бир фуқарога ижобий таъсир кўрсатиши ва ҳоказо.

Жиноят ишини тугатиш талаб даражасида бўлиши учун қонунийлик, асосланганлик ва умуммажбурийлик каби хусусиятларни акс эттириши лозим. Жиноят ишини тугатиш институти шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш ёки жиноят йўлига адашиб кириб қолганларга қонунга хилоф ҳаттиҳаракатларидан астойдил пушаймон бўлиб, жавобгарликдан озод бўлиш имконини бериш билан бирга, келгусида жамиятда жиноятчиликнинг олдини олишда ижтимоий-сиёсий, жиноят-процессуал, жиноят-ҳуқуқий ва тарбиявий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

## **1.1-§. Жиноят ишини тугатишнинг процессуал асослари ва шартлари.**

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишини тугатиш институтининг асослари ЖПК 83 ва 84-моддалар мисолида аниқ белгилаб қўйилган бўлса-да, юридик адабиётлар, хусусан, жиноят процессуал ҳуқуқи фани назариясида жиноят ишини тугатиш асосларининг тизими ва таснифланиши бўйича ҳамон ягона бир тўхтамга келинмаган.

Айрим олимларнинг фикрича, жиноят ишини тугатишнинг барча асосларини реабилитация қилинадиган ва реабилитация қилинмайдиган турларга бўлиш мумкин. Улар реабилитация қилинадиган асосларга кирмайдиган барча асосларини реабилитация қилинмайдиган асосларга киритадилар. Масалан, В.В.Вандишев ва А.В.Смирнов «ишни тугатишнинг реабилитация қилинадиган асослари жиноят ҳодисаси юз бермаганлиги, жиноят таркиби бўлмаганлиги, шахснинг айби тегишли тартибда исботланмаганлиги кабилардан иборат; ишни тугатишнинг қолган барча асослари реабилитация қилинмайдиган асосларга киради»<sup>10</sup>.

Н.А.Власова ҳам айнан шу фикрни қўллаб-қувватлаб, жиноят ишини тугатишнинг барча асосларини реабилитация қилинадиган ва қилинмайдиган асосларга бўлиш мумкинлигини таъкидлайди. У шахснинг айбсизлигини кўрсатувчи (жиноят ҳодисасининг юз бермаганлиги, жиноят таркибининг йўқлиги ва ишга жалб этилган шахснинг айби исботланмаганлиги каби) ҳолатларни реабилитация қилинадиган асослар гуруҳига, қолган барчасини реабилитация қилинмайдиган асослар гуруҳига киритади.

Жавобгарликдан озод қилиш асосларини реабилитация қиладиган ёки реабилитация қилмайдиган турларга бўлиш, айниқса қизғин фикр

---

<sup>10</sup> Вандышев В. В., Смирнов А. В. Основы уголовного судопроизводства. – СПб., 1996. – С.57; Пидюков П. П. Отказ в возбуждении уголовного дела по нереабилитирующим основаниям: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Киев, 1990. С.15.

мулоҳазаларга сабаб бўлиб келмоқда. Зотан, юридик адабиётларда қилмишида жиноят таркиби бўлмаган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ҳам, ундан озод қилиш ҳам мумкин эмас, деган фикр кенг тарқалган бўлиб, бундай шахсга нисбатан жиноят ишини (жиноий таъқибни) тугатиш, жиноят иши қўзғатишни рад этиш мумкин, холос.

Қонунни қўллаш муқобил қоидага эга бўлмаган, юзага келган жиноят ҳуқуқий муносабатлар билан ваколатли давлат органлари томонидан уларнинг хоҳиш-истагидан қатъи назар, сўзсиз қўлланилиши шарт бўлган асослар жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг мажбурий нормалари деб ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқни қўллаётган ваколатли мансабдор шахс ёки орган мазкур нормаларни қонунда ёки амнистия актида кўрсатилганидек бажариши шарт.

Қонунни қўллаш танлов имконияти назарда тутилган, мажбурий норматив асослар жумласига кирмайдиган барча нормалар факультатив (диспозитив ёки дискрецион) нормалар ҳисобланади, ҳамда улар терговчи, прокурор ёки судья томонидан мавжуд маълумотлар ва фактлардан келиб чиқиб қўлланиши мумкин, деган хулосага келинган тақдирдагина қўлланилади. Шунингдек, назарияда ишни тугатиш асосларини шартли (вақтинча) ва шартсиз (якуний) таснифга бўлиш ҳақидаги қарашлар ҳам мавжуд. А.А.Юнусов “мазкур мезон моддий ва процессуал омиллардан ташкил топган”<sup>11</sup>-деб изоҳлайди.

Биринчисида, жиноят иши кимга нисбатан тугатилаётган бўлса, ўша шахсга нисбатан қўшимча мажбуриятлар юклатилиши мумкин.

Иккинчисида эса, шахс томонидан ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, унга нисбатан қабул қилинган қарорнинг бекор бўлишини назарда тутати.

---

<sup>11</sup> Юнусов А. А. Теория и практика эффективной подготовки уголовного дела к судебному разбирательству: (К разработке концепции): Монография. – Казань, 2005. – С.234; Кибальшк А. Иммуниет как основание освобождения от уголовной ответственности // Рос. юстиция. – 2000. – № 8. – С. 11.

Назаримизда, мазкур таснифнинг энг асосий камчилиги унда таклиф этилган мезонни белгилашда нафақат амалдаги қонун нормалари талаблари, балки ҳар бир жиноят ишининг ўзига хос бўлган ҳолатидан келиб чиқиш талаб этилиши эътибордан четда қолган. Бу эса, ишни тугатиш асосини қўллаш давомида айбланувчи томонидан қонун нормаларида тўғридан-тўғри кўрсатилмаган талабларнинг бажарилишини мажбурий қилиб белгилашга олиб келиши мумкин. Қолаверса, амалдаги ЖПКга мувофиқ, жавобгарликдан озод бўлган шахс томонидан ижтимоий хавfli қилмиш содир этилиши унга нисбатан жиноят ишини тугатиш ҳақида чиқарилган қарорни бекор бўлишига сабаб бўлмайди. Шунингдек, жиноят иши кимга нисбатан тугатилаётган бўлса, ўша шахснинг хулқ-атворидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш мумкин. Мазкур таснифда асосий, субъектив (айбланувчининг ижобий хулқ-атвори билан боғлиқ) ва объективга (фақат қонунда кўрсатилган ҳолатдан келиб чиқиб) бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси 1-қисмининг 8-банди (Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса), 4-қисми (ярашганлиги муносабати билан) ва 5-қисмининг 2-бандидаги асосларни (ЖКнинг 66-моддаси ва ЖПК 68-моддаси) киритиш мумкин. Яъни жиноят ишини тугатиш учун шахс ўзи ташаббус кўрсатади.

Иккинчи гуруҳдан эса, қолган ишни тугатиш асослари ўрин олади. Бунда қонунда назарда тутилган ҳолатлар вужудга келган бўлиши лозим. Шахснинг диспозитив ҳуқуқлари кенгайиб бораётган бугунги шароитда мазкур фикрни асосли, деб ҳисоблаш мумкин. Лекин, бир пайтнинг ўзида ҳам гумон қилинувчи, ҳам жабрланувчининг розилиги талаб этилган ҳолатлар (тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ишни тугатиш) ёхуд фақат мансабдор шахснинг хоҳиши билан тугатиладиган асослар

(шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса) бўйича мазкур таснифни қўллаб бўлмайди.

Жиноят ишини тугатиш ёки тугатмаслик масаласи ихтиёрий ва мажбурий мезонларга асосланади.

Айнан М.С.Строгович ҳам ишни тугатиш асосларини қўлланилиши мажбурий ва қўллаш масаласи ишни юритаётган мансабдор шахснинг ихтиёрида бўлган турларга ажратган<sup>12</sup>. Мазкур таснифдан келиб чиққан ҳолда жиноят ишини тугатиш асосларига баҳо берсак, уларни бўлишнинг имконияти бўлмайди. Чунки, қонуншунос ишни юритаётган мансабдор шахсларга мазкур асосларни қўллаш масаласини ваколат ёки мажбурият сифатида аниқ қоида билан белгиламаган. Бундан келиб чиқадики, мазкур масала жиноят ишини тугатиш асосларини қўллаш давомида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши билан чамбарчас боғлиқ.

Шунингдек, жиноят-процессуал ҳуқуқ назарияси жиноят ишини тугатиш “асослари” билан бир қаторда, жиноят ишини тугатиш “шартлари”ни ўрганишни ҳам тақозо этади. Эътиборли жиҳати, мазкур тушунчалар ўзининг мазмуни ва аҳамияти жиҳатидан бир бирига жуда яқин, лекин улар бир хил маънони англатмайди. Бугунги кунга қадар на қонун нормаларида, на жиноят-процессуал назарияда уларнинг ўзига хос, бир-биридан ажратиб турувчи белгилари бўйича ягона фикр мавжуд. Қолаверса, мазкур масалага ойдинлик киритилиши нафақат жиноят-процессуал ҳуқуқи назарияси, балки суд ва тергов амалиёти учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жиноят ишини тугатиш тўғрисида мулоҳаза юритган барча олимлар иш фақат ЖПКда қайд этилган асослар ва белгиланган тартибда тугатилиши зарурлигини таъкидлайдилар<sup>13</sup>. Дарҳақиқат, билдирилган фикр жиноят ишини тугатиш тўғрисида

---

<sup>12</sup> Қаранг: *Строгович М. С.* Курс советского уголовного процесса, – М., 1970. Т. II. – С. 168.

<sup>13</sup> Қаранг: *Жиноят процесси.* Ю.ф.н., доцент З. Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. Т., 2003. – Б. 91.

чиқарилган хулосанинг қонунийлиги ва асосланганлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Шахсни жамоат ташкилоти кафиллигига бериш йўли билан жиноят ишини тугатишнинг имкони мавжуд. Яъни ЖПК 87-моддасида “Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияда кўришга топширилиши мумкин”лиги қайд этилган.

Суд статистикаси маълумотлари ҳамда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, жиноят қонунчилигига ушбу институтнинг киритилиши жиноий ҳуқуқий муносабатларни эркинлаштиришда самарали восита бўлди. Мазкур институт жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, республикада судланганлик ҳолатини камайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг кенгроқ қўлланилишига имкон яратади.

Амалдаги қонун нормасида тўғридан-тўғри ифодаланган ҳолатлар жиноят ишини тугатиш асоси ҳисобланади. Масалан, 84-модданинг биринчи қисми 1-бандида қайд этилган “жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса” асоси, жиноят ишини тугатиш учун асос бўлса, мазкур асосни қўллаш учун аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар, жиноят иши бўйича “шартлар” бўлиб хизмат қилади. Яъни жавобгарликка тортиш муддати давомида бошқа жиноят содир этмаганлиги, содир этган

жинояти тинчлик ва хавфсизликка қарши қаратилмаганлиги<sup>14</sup> ва бошқалар.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноят ишини тугатиш учун “асос” “шартлар”га нисбатан муҳим ёки аксинча, бўлиши мумкин эмас. Ушбу ҳолатда бирламчи, иккиламчи қонунларни қўллаш нотўғри. Зеро, ҳар бир ишни тугатиш асосини қўллаш бўйича ҳам асос, ҳам шартларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги бу борада қабул қилинадиган қарорларнинг ноқонуний ва асоссиз бўлишига олиб келади.

Фикримизча, амалдаги жиноят ва жиноят-процессуал қонун нормаларида қонуншунос ҳар бир ишни тугатиш асосини қўллаш асослари ва шартларини тўлиқ белгилаши лозим. Чунки, ЖК ва ЖПКда ишни тугатиш асосларини қўллаш шартларининг белгиланиши уларни қўлловчи органлар учун қатор қулайликлар келтириб чиқаради. Лекин шундай асослар ҳам мавжудки, уларни қўллаш учун бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат этишга тўғри келади. Масалан, чиқарилган амнистия акти асосида жиноят ишини тугатиш учун тегишли мансабдор шахс ЖПК ёки ЖК талаблари билан чекланиб қолмай, балки бевосита амнистия акти ўз ифодасини топган тегишли қарордан келиб чиққан ҳолда иш юритади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар жиноят ишини тугатиш шартларини қўйидаги мазмунда таърифлаш имконини беради: “Жиноят ишини тугатиш шартлари деганда, жиноят ишини тугатилишини тақозо этадиган, тегишли ишни тугатиш асосини қўллаш учун аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар, фактлар ва вазиятларни тушуниш лозим”.

Жиноят ишининг тугатилишини тақозо этадиган, яъни аниқланган ҳолатлар, фактлар ва вазиятларнинг қонунда белгиланган тартибда исботланганлиги жиноят ишини тугатиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

---

<sup>14</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Аппартеид жиноятини тўхтатиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида»ги Конвенцияси (1973 йил 30 ноябрь) кириш қисмида қайд этиб ўтилган. – Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. –Т., 2004. – Б.103–104.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда ЖПКнинг иккинчи бобида қайд этилган принципиал нормалар ЖПКнинг бошқа бўлим ва боблари нормаларининг асосини белгилаб бергани боис, уларнинг қолган нормалардан устунлиги сўзсиз тан олинади<sup>15</sup>. Ушбу норма талабларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, шахсга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми бўлмаган ҳар қандай вазиятда у айбсиздир.

---

<sup>15</sup> Саидов Б. А. Дастлабки терговда шахснинг шаъни ва қадрқимматини ҳурмат қилиш. – Т., 2004. – Б.43-47.

## **2-БОБ. РЕАБИЛИТАЦИЯ АСОСЛАРИГА КЎРА ҲАМДА АЙБЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ ҲАЛ ҚИЛМАЙ ТУРИБ ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

### **2.1-§. Реабилитация асосларига кўра жиноят ишени тугатиш**

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши мустаҳкамланган бўлиб, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Бундан ташқари фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги кафолати сифатида шу нарса белгиланганки, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда инсон ҳуқуқларини энг кўп чекловчи ҳолат бу унинг жиноий жавобгарликка тортилишини инобатга олсак, жиноий таъқиб, айбни исботлаш жараёнларида қонунийликни, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг барча қонунларимиз, қайта қабул қилинди. Ушбу қонунларимизнинг собиқ совет давридаги қонунларимиздан асосий фарқи шахсни асоссиз жиноий жавобгарликка тортмаслик, шахснинг шаъни ва кадр қимматини камситмаслик, фақат қилган жинояти учунгина жавобгарликка тортилиши каби нормалар ўз аксини топганлигидир. Яъни Жиноят кодексининг “қонунийлик” ва “инсонпарварлик”, “одиллик” ва “айб учун жавобгарлик” ҳамда Жиноят процессуал кодекснинг “фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш”, “ҳақиқатни аниқлаш” ва “айбсизлик презумпцияси” принципларини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “Реабилитация” сўзи латинча “rehabilitatio” сўзидан олинган бўлиб, “тиклаш” деган маънони англатади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари томонидан

жиноят содир этишда асосиз гумон қилинган ёхуд айбланган шахс шаъни ва кадр-қимматининг тикланиши тушунилади.

“Реабилитация” тушунчаси мазмунининг қиёсий таҳлили унинг семантик жиҳатдан ўхшашлигидан далолат беради. Бундай ҳолатнинг сабабларидан бири шуки, ҳукм қилинганларнинг реабилитация ҳуқуқий институти авф этиш институтидан пайдо бўлиб ривожланган. Фарб, Европа мамлакатларида ва Россияда ўтмишда реабилитация деганда ҳукм қилиш билан боғлиқ барча ҳуқуқларнинг келгусида бекор бўлиши тушуниларди. У тескари маънога эга бўлмаган ҳамда муддатдан илгари тузалиб кетган жиноятчиларнинг ёки жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг ҳуқуқий лаёқатини муайян муддат ўтгандан кейин тиклашга қаратилган эди.

Табиийки, ушбу кенг мазмундаги маънони жиноят содир этмаган деб эътироф этилган айбсиз шахсларга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Агар қонун ўзгариши юз берган ҳамда жиноят дискриминаллаштирилган, шунингдек фуқарога нисбатан бўлган иш жиноят таркиби йўқлиги сабабли тугатилган бўлса, жиноий таъқиб туфайли етказилган зарар компенсация қилиниши лозим.

Жиноят ишини реабилитация асосида тугатиш институтига жиноят процессуал қонун нормалари талабларидан келиб чиққан ҳолда таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Яъни: реабилитация – гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига нисбатан ЖПКнинг 83-моддаси билан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш, судланувчи ва маҳкумни қонунда белгиланган тартибда суднинг оқлов ҳукми ёки ажрим билан айбсиз деб эълон қилиш ва қонунга зид равишда тергов ҳаракатларига жалб этиш, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, жавобгарликка тортиш ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида етказилган барча турдаги зарарларни давлат ҳисобидан ундириш ҳамда шахснинг бузилган ҳуқуқларини, яъни аввалги мавқеини тўлиқ қайта тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир.

**Реабилитациянинг юридик мақсади** - тўлиқ фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлмаган шахсни тўла ҳуқуқли фуқарога айлантириш.

**Реабилитациянинг маънавий мақсади** - айбсиз фуқаронинг оммавий ва хизмат соҳасига доир ҳуқуқдан маҳрум бўлишини бартараф этиш, жамиятда унинг ҳалол номини тиклаш. Унинг сиёсий вазифаси - фуқаро ҳамда давлат ўртасида бузилган ишончни тиклаш, жиноят содир этилишининг, давлат аъзоларининг унинг учун иқтисодий жихатдан ноқулай қашшоқланишининг олдини олишдир.

Реабилитация ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаровий жамият куришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Маълумки, жиноят процессида шахс тўла ёки қисман реабилитация этилиши мумкин. Шахс ЖПКнинг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, айбсиз деб топилиб, жиноий жавобгарликдан батамом озод қилинган ҳолларда у тўла реабилитация этилган ҳисобланади.

Жамият ҳар бир айбсиз шахс реабилитация қилинишидан манфаатдордир. Шунинг учун реабилитацияни амалга ошириш суриштирув, тергов, прокуратура ва суднинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Фуқаро ўзининг айбсизлиги ёки айбдорлигини исбот қилишдан озод этилади. Оқлов ҳукми чиқарилган тақдирда унинг жавобгарлиги ўз-ўзидан бекор бўлади. Унга мазкур органлар ҳаракатларининг ғайриҳуқуқийлигини исбот қилишнинг зарурати ҳам йўқ: у, башарти оқлов ҳукми ёки юқори суднинг ишни айнан ушбу асосларга кўра тугатиш тўғрисидаги ажрими тақдим этилган бўлса, хулоса тарзида акс эттирилади.

ЖПКнинг 301-моддасига кўра оқлов ҳукми, шунингдек ЖПКнинг 83-моддасида назарда тутилган ҳолатлар жиноят ишини реабилитация қилишга асос бўлади.

Суд судланувчини нафақат ҳукм қилишга, балки мустақил давлатимиз номидан ўз қарори билан айблов тақдим этилган шахснинг

айбсизлигини тасдиқлаб оқлашга, айблов айбсиз эканлигини тан олишга ҳамда суд мажлисида асоссиз бўлган шахснинг ҳалол номини тиклашга ҳақли. Шу асосга кўра ҳар йили биринчи инстанциядаги судда жиноят ишларини кўришда ўнлаб кишилар оқланмоқда. Лекин, афсуски, бу ҳукм қилинганларга нисбатан жуда кам. Ҳолбуки, амалиёт кўрсатганидек, кейинчалик қатор ҳукм қилинганлар барибир суд томонидан, айниқса кассация тартибида реабилитация этилади.

Оқлов ҳукми - одил судловнинг қонуний ва зарур ҳужжатидир. Процессуалист олимларнинг аксарияти оқлов ҳукми чиқарилишини табиий ҳодиса, тўлиқ реабилитацияга олиб келадиган одил судловнинг зарур ҳужжати деб тўғри ҳисоблайди. Аммо ҳукмнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши талаблари (ЖПКнинг 455-м.) оқлов ҳукмига айблов ҳукмига караганда кўпроқ қўйилади.

Суднинг ҳар қандай ҳукми сингари, оқлов ҳукми ҳам холис ҳақиқатни, яъни судланувчига айбдор деб қўйилган жиноятни содир этмаганлигини аниқлаши керак. Қонуний, асосли ва адолатли ҳукмнинг чиқарилиши у оқлов ёки айблов бўлишидан қатъий назар суд муҳокамасининг бевосита вазифасига тўғри келадиган пировард мақсаддир. Ҳукмнинг важлари унинг асослилиги, ишончилиги, исботланганлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан саводлилигида ўз аксини топади. Ҳар қандай қонуний, асосли ва адолатли ҳукмнинг асосида ҳақиқат ётади. Ҳукмнинг асослилиги – холисона ҳақиқатга мувофиқ ишнинг барча аниқ ҳолатларини тўғри аниқлашдир.

Қилмишнинг ноқонунийлигини белгилайдиган оддий аломатлар айни вақтда қилмишда жиноят таркиби йўқлигини ҳам ҳал қилади. Қонун чиқарувчи уларни фарқлашга ҳаракат қилиб, реабилитация учун асос сифатида уларнинг ҳар бирини битта жиноят процессуал меъёрнинг ҳар хил бандларида қайд этган.

Баён этилган ҳолатлар қуйидаги хулосага келиш учун асос бўлади: қилмишда жиноят таркибининг йўқлиги шундан далолат берадики,

тергов олиб борилган жиноят иши бўйича ходиса рўй берган, у муайян шахснинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида содир бўлган, лекин ўз аломатларига кўра бу қилмиш жиноят ҳисобланмайди.

Айбланувчи ёки судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаган тақдирда терговчи ёки судья тергов предмети бўлган қилмиш ҳақиқатан содир этилганлигига, лекин унда жиноят таркиби йўқлигига ишонч ҳосил қилади. Қилмиш жиноят қонуни белгилаган тақиқни бузмаслиги ёки унча аҳамиятли бўлмаганлиги сабабли ижтимоий хавф туғдирмасдан жиноят ҳисобланмаслиги мумкин. Бошқача айтганда, содир этилган қилмишда жиноят таркиби элементларидан бири – объект, қилмиш ва кимгадир зарар етказганлик ўртасида сабабий боғланиш (холис тараф, айб ва ҳоказо) бўлмаган тақдирда, шахснинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркибининг йўқлиги жиноят ишини тугатиш ёки оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бундай ҳолларда реабилитация учун асос ҳам қўлланилади. Қилмишнинг тергов қилиниши шахс ҳаракатининг натижаси бўлиб, жиноят аломатларидан иборат бўлган, лекин жиноят таркиби мажбурий элементларининг биридан маҳрум бўлган ҳолларда ҳам бу асос яққол кўзга ташланади.

Реабилитация асосининг алоҳида тури содир этилган жиноятга шахснинг алоқадор эмаслигидир. Гарчи айнан ким томонидан ушбу жиноят содир этилганлиги номаълум бўлса ҳам, жиноят мазкур шахс томонидан эмас, балки бошқа шахс томонидан содир этилганлиги аниқланган ҳолат бунга мисолдир.

Бундай вазиятларда жиноят иши бўйича тергов олиб борилади, муайян шахсга нисбатан бўлган жиноий таъқиб эса тугатилади. Биринчи ҳолатда ҳақиқий жиноятчи жиноий жавобгарликка тортилади ва тергов охиригача олиб борилади, иккинчисида эса жиноят содир этган шахсни аниқлаш учун барча зарур чоралар кўрилади. Агар тергов ҳаракатлари билан жиноят содир этган шахсни аниқлаш имкони бўлмаса, тергов

ҳаракатлари ЖПКнинг 364-моддаси 1-бандига кўра тўхтатилади, тезкор-кидирув тадбирлари эса давом эттирилади.

Демак, реабилитациянинг ҳуқуқий асослари ЖПКнинг 83-моддасида аниқ мустаҳкамлаб қўйилган ва оқлов ҳукми, шунингдек жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор унинг процессуал шакли бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақилликка эришилганидан буён суд-ҳуқуқ соҳасида изчил ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бунинг мақсади эса асоссиз жавобгарликка тортилган шахсларни реабилитация қилиш ва бу ҳолатга жуда катта эътибор қаратишдир. Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг интернет тармоғидаги маълумотларига кўра охириги беш йилда хусусан, 2017 йилда 263 нафар, 2018 йилда 867 нафар, 2019 йилда 859 нафар, 2020 йилда 781 нафар, 2021 йилда 932 нафар, 2022 йилнинг биринчи чорагида эса 265 нафар шахс оқланган ва реабилитация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида айбсизлик презумпцияси мустаҳкамланган. Шахснинг айбини аниқлашда эса жиноят процессининг исботлаш институти, ҳамда далиллар мақбуллигини таъминлаш масалалари энг муҳим ўринни эгаллайди.

Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, далил сифтида эътироф этилган ҳар қандай маълумот ҳам суд томонидан тўғридан-тўғри қабул қилинавермайди. Аввало ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланади. Алоқадорлик ва ишонччилик хусусиятларини таъминлаш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётида муаммолар унча ҳам кўп эмас, бироқ далилларнинг мақбуллигини таъминлашда жиноят иши юритуви учун маъсуллар кўплаб қийинчиликларга дуч келади. Бунинг сабаби эса қонунчилик

нормаларини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётинини умумлаштириш лозимлигида деб ўйлаймиз.

Афсуски, ҳуқуқни қўллаш амалиётида жуда кўп ҳолларда судлар далиллар мақбуллигини таъминлашга етарлича эътибор қаратмайдилар. Масалан, шундай ҳолатни олайлик. Терговчи томонидан ўтказиладиган айрим тергов ҳаракатларида (тинтув, таниб олиш учун кўрсатиш ва бошқалар) видеоёзудан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади. Бу эса тергов жараёнида олинган далилларнинг ишончлилигини таъминлаш учун лозимдир. Лекин аксарият ҳолларда видеоёзудан фойдаланиш тергов ва суриштирув органлари томонидан эътибордан четда қолади. Суд эса кўпинча видеоёзувни талаб қилмайди. Натижада ЖПК талаблари, процессуал шакл бузилади.

Яна бир муҳим масала бу далилларни номақбул деб топишнинг процессуал тартибидир.

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 234-моддасида далилларни чиқариб ташлашнинг процессуал тартиби аниқ белгиланган. Унга кўра тарафларнинг ҳар қандай далилни суд муҳокамасида тақдим қилинадиган далиллар мажмуидан чиқариб ташлаш ҳақида илтимоснома киритиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Бундай илтимоснома киритилган тақдирда ўша куннинг ўзидаёқ унинг нусхаси бошқа тарафга тақдим қилиниши лозимлиги қайд этилган.

Ушбу илтимосноманинг мазмуни ҳам кўрсатилган бўлиб, унга кўра илтимосномада қайси далилни номақбул деб топиш сўралаётгани ва бунга асос кўрсатилиши лозим. Агарда илтимосномани ҳимоя тараф киритган бўлса ва унга асос сифатида далил Жиноят-процессуал кодекснинг талабларига зид равишда тўпланганлигини кўрсатса, ушбу важларни рад этиш мажбурияти айблов тарафига юклатилади. Қолган ҳолатларда эса исботлаш мажбурияти ҳимоячининг зиммасига юклатилади.

Ушбу тажрибалардан келиб чиқиб, 2018 йилнинг 4 апрелида шахсни реабилитация асосларига кўра жавобгарликдан озод қилиш, яъни жиноят ишини реабилитация асосларига кўра тугатиш бўйича янги институт жорий қилинди, яъни амалдаги ЖПКга 95<sup>1</sup>-модда “Далилларнинг мақбул эмаслиги” нормаси киритилди. Бу норма бевосита жиноят-процессуал қонунининг “қонунийлик” принципини амалда ижросини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Чунки амалиётда суриштирув, тергов органлари томонидан ноқонуний йўллар орқали, шахснинг қонун билан қўриқландиган ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган ҳолда тўпланган далиллардан фойдаланиш ҳолатлари учраб туради. Бундай далилларни асоссиз деб топиш бўйича қонунчиликда бўшлиқ мавжуд эди. Норма мазмунига кўра, агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ЖПК талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, шунингдек,

- жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқациз, ғайриинсоний ёки қадрқимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда;

- уларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) йўли билан;

- гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда;

- жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида;

- номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

- жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар

мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади<sup>16</sup>.

Суд жиноят иши бўйича далилларни мақбул эмас деб топиб ёки процессуал қонун талаби бузилганлигини аниқлаб, оқлов ҳукми ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор қабул қилганда, ЖПКда белгиланган реабилитация қилиш асосларини қайси бандини қўллайди. ЖПКнинг 464-моддасида оқлов ҳукми чиқариш асослари қайд этилган бўлиб, Оқлов ҳукми жинойий ҳодиса юз бермаган бўлса; судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса; жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса чиқарилади, шунингдек ушбу модданинг 2-қисмида “Жиноят бошқа шахс томонидан содир этилганлиги аниқланса, шунингдек судланувчига қўйилган айблов иш ҳолатлари батафсил текширилгандан кейин ишонарли тарзда ўз тасдиғини топмаса, суд ушбу модда 1-қисмининг 3-бандида назарда тутилган асосга кўра судланувчини оқлайди” деб қайд этилган. Худди шундай ЖПК 83-моддасининг 3-қисмида ҳам шахснинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса реабилитация этилиши қайд этилган. Аммо амалиётда аксарият ҳолларда терговдаги камчиликлар бартараф этилади ва айблов ҳукми чиқарилади. Ҳозирги кунда айнан шундай ҳолатлар бўйича суд амалиётида ўзгаришлар бўла бошлади ва айнан иш ҳужжатларидаги далиллар номақбул деб топилиб, оқлов ҳукми чиқарилган ҳолатлар мавжуд. Шу ҳолатларни инобатга олиб, бизнинг фикримизча ЖПКнинг 83-моддасига ўзгариш киритиб, яъни 4-банд билан “далиллар номақбул деб топилса ёки процессуал қонун талаблари бузилган бўлса” деган норма билан ўзгартириш киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

---

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 95<sup>1</sup>-модда.

## **2.2-§. Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш**

Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 84-моддасида шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатиш асослари белгиланган.

Жумладан:

- 1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;
- 2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;
- 3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;
- 4) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;
- 5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;
- 6) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллардан ташқари;
- 7) шахс ижтимоий хавfli қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса;
- 8) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли ёхуд белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса;

9) шахс жиноят содир этганидан кейин рухий ҳолатининг ўз ҳаракатлари аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган даражада бузилиши юзага келса; (ЖПК 84-моддаси 3-қисми)

10) жабрланувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда.(ЖПК 84-моддаси 4-қисми)

Шунингдек ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисмига асосан суриштирувчи, терговчи, суд жиноят ишини жиноят содир этган шахснинг (гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи) розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатиши мумкин, агар:

а) ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса;

б) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса;

в) содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганининг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга қараб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса.

Юқоридаги ҳолатларни реабилитация қилинмайдиган асосларга кўра, жиноят ишини тугатиш десак ҳам мақсадга мувофиқ бўлади, чунки ЖПКнинг 84-моддаси талабларига кўра, шахснинг жиноят содир этганлиги тасдиқловчи далиллар амалда мавжуд бўлади, аммо қонун

ушбу ҳолатлар бўйича айб эълон қилиш ёки айблов ҳукми чиқаришни истисно этади. Аммо юқоридаги асослар қонун талаби бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг, агар улар вафот этган бўлса уларнинг яқин қариндошларининг жиноят ишини юритиш умумий тартибда давом эттириш ҳақидаги талаби бўйича иш давом этирилиши мумкин. Бундай ҳолларда суд ишни кўришни давом эттиради ҳамда ЖПКнинг 83-моддасида назарда тутилган асослар бўйича жинойий ҳодиса юз бермаганлиги, шахснинг қилмишида жиноят таркиби ёки шахснинг содир этилган жиноятга даҳли бўлмаганлиги аниқланганда оқлов, агар айблаш учун асослар аниқланганда эса айбдор шахсга жазо тайинламай, айблов ҳукми чиқаради (ЖПК 421-моддаси).

Бугунги кунда, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш жараёнида жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш ҳамда такомиллаштириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур вазифани ҳаётга тадбиқ этиш ҳамда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ– 3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси<sup>17</sup> қабул қилинди. Мазкур Концепцияда жиноят ва жиноят-процессуалдаги айрим институтларни такомиллаштириш вазифаси белгиланган эди.

Шунга кўра, жиноят-процессуалда “айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш” институтини татқиқ этиш ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур институтни такомиллаштиришнинг янгича методологик асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

---

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ– 3723-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3735818>

Ўз навбатида, замонавий юриспруденция талаблари асосида “Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш” институтини такомиллаштиришда бир нечта вазифалар олдимизда турибди. Мазкур вазифаларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин.

- жиноят-процессуал қонунчилигига илғор хорижий тажрибани имплементация қилиш орқали “Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш” ҳолатларини қайта таҳлил этиш ҳамда мазкур ҳолатларни қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш;

- замонавий юриспруденция талаблари асосида “айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш” ҳолатларининг айрим турларини такомиллаштириш.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишини тугатиш тушунчасининг мазмун-моҳияти аниқ очиқ берилмаган. Шундай бўлса ҳам, бир қанча олимлар ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини назарий жиҳатдан тушунтиришга ҳаракат қилишган.

Хусусан, О.В.Мичурин ва С.Н.Перетокин жиноят ишининг тугатилиши терговнинг якуний босқичи эканлигини, унда ишнинг натижалари чиқарилишини, терговчининг ички ишончи шакллантирилишини ва ишнинг ҳар бир ҳолати процессуал ҳужжатларда ифодаланганлигини, ҳар бир тўпланган далиллар учун бўшлиқлар ва зиддиятлар аниқланишини қайд этишган.

Шунингдек, рус олими С.А.Филимоновнинг фикрига кўра эса, жиноий ишларни тугатиш ва реабилитация қилинмаган асослар бўйича жиноий таъқиб қилиш – бу суриштирувчи, терговчи ёки суднинг (судьянинг) жиноят иши юзасидан қабул қилинган, иш бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ёки шахснинг жиноят содир этилишига алоқадорлиги тўғрисидаги процессуал қароридир.

Б.Б.Муродовнинг фикрига кўра айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай жиноят ишини тугатиш – суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки

суднинг гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи тариқасида ишга жалб қилинган шахсларнинг айблилиги масаласини ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқариши ва бунинг натижасида мазкур жиноят иштирокчиларига нисбатан юритилаётган жиноят иши материалларининг бекор қилиниши ҳисобланади.<sup>18</sup>

Биз ҳам юқоридаги муаллифларнинг фикрига қўшилган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, мазкур тоифадаги ишлар юзасидан жиноят иши у ёки бу сабабларга кўра юқоридаги моддада назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда тугатилади.

Шунингдек, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш институтининг жиноят-процессидида муҳимлиги билан бир қаторда, суд-тергов амалиётида уларни қўллаш билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Қуйида мазкур институт билан боғлиқ бўлган муаммоларни таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Мисол учун, ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-бандига мувофиқ, шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, унга нисбатан жиноят иши тугатилади. Бу борада баъзи олимларимиз, жиний жавобгарликка жалб қилиш ва жазони ижро этиш муддатларининг ўрнатилиши инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилиб, у доимий равишда жиний жавобгарлик хавфида яшашга чек қўяди деб таъкидлайди. Аммо ушбу асоснинг қўлланилиши билан боғлиқ тартибга солинмаган ҳолатлар қуйидагиларда ифодаланади:

ЖПКнинг 373-моддасида жиноят иши ушбу Кодекснинг 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина тугатилиши мумкинлиги қайд этилган бўлса-да, бугунги кунда *“шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги”* асосини қўллашда мазкур

---

<sup>18</sup> В.В.Муродов Dastlabki tergovda jinoyat ishini tugatish masalalari. Yuri. fan. doktori(nomzodi) – Т.: - 2008. 59-бет. <sup>2</sup> Rossiya Jinoyat protsessual kodeksi(2014- y. 4-iyuldan) 35-modda // Rossiya qonun hujjatlari milliy bazasining rasmiy veb-sayti – [www.duma.consultant.ru](http://www.duma.consultant.ru) (Elektron manbaga murojaat qilingan vaqt: 13.04.2020)., Qozog`iston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksi(2000-yil 14-iyuldan) 39-modda // Qozog`iston qonun hujjatlari milliy bazasining rasmiy veb-sayti – [www.zakon.kz](http://www.zakon.kz) (Elektron manbaga murojaat qilingan vaqt: 13.04.2020).

қоида доирасидан четга чиқиш ҳолатлари учрамоқда. Буни биз *“шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги”* ҳолати аниқланган вақтларда ЖПК 367-моддасининг 3-қисми асос қилиб олинаётганлигида кўришимиз мумкин. Хусусан, тергов фаолияти юзасидан олиб борилаётган ҳисоботларда ҳам ЖПК 367-моддасининг 3-қисми билан тугатилган жиноят ишлари ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 1-бандидан алоҳида кўрсатиб келинмоқда. Бир қарашда мазкур йўлни ЖПК нормалари билан тартибга солинган қоида доирасидан четга чиққанлиги учун, уни хато деб ҳисоблаш мумкин дир. Лекин *“шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги”* асосининг асл моҳиятига эътибор қарацак, ушбу асос икки мустақил асосдан, яъни *“айбланувчи сифатида жалб этилган шахснинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги”* ҳамда *“айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишига жалб қилиниши лозим бўлган шахснинг аниқланмаганлиги”* дан иборатлигини кўрамиз. Бугунги кунда тергов ва суд амалиётида *“айбланувчи сифатида жалб этилган шахснинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги”* аниқланадиган бўлса, ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 1-банди, *“Айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишига жалб қилиниши лозим бўлган шахснинг аниқланмаганлиги”* ҳолатларида 367-модданинг 3-қисми қўлланилмоқда. Айнан мазкур омил ЖПК 84-моддаси 1-қисми 1-бандида қайд этилган асосни икки мустақил асосга ажратишни тақозо этади.

Жиноят содир этган шахснинг жиноий жавобгарликдан муддат ўтганлиги муносабати билан озод этиш бизнинг фикримизча мақсадга мувофиқ. Сабаби, жиноят содир этган шахс содир этган жинояти бўйича айбига иқрор бўлмасдан етказган зарарни тўламаган ва энг асосийси, у ўз қилмишига пушаймон бўлмасада, давлатимизнинг инсонпарварлиги, қолаверса, етказилган зарарни фуқаролик тартибида ҳам ундириб олиниши мумкин.

Агар жиноят содир этган шахсга нисбатан қидирув эълон қилиниб, у қонунда белгиланган 25 йил яшириниб юрган бўлишига қарамай, ушбу шахс томонидан мазкур муддат давомида бошқа жиноят содир этилмаган бўлса, бу ҳолат унинг ижтимоий хавфлилиги йўқолганлиги, ҳамда жавобгарликка тортиш йўли билан қайта тарбиялашга ҳожат қолмаганлигини кўрсатади. Яъни ЖКнинг 42-моддасига мувофиқ, ушбу ҳолатда жиноят содир этган шахсни ахлоқан тузатиш, унинг жинойи фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида унга жазо қўллашнинг ҳожати йўқ, деб ўйлаймиз.

Агар жинойи қилмиш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси янада оғирлашиши ва бунинг натижасида жавобгарликка тортиш муддатлари ўзгариши лозим. Айнан мазкур ҳолатларни ЖКнинг 64-моддасида ўз ифодасини топмаганлиги туфайли тергов амалиётида қанчадан-қанча жиноят ишлари асоссиз тугатилиб, ижтимоий хавфлилиги йўқолмаган шахслар жавобгарликдан қутулиб қолмоқда. Ушбу асос бўйича жиноят иши тугатилганда жабрланувчиларга етказилган зарар ундирилмасдан уларнинг ҳуқуқлари бузилади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун амалдаги ЖК 64-моддасининг 7-бандидаги 244<sup>2</sup> –рақамидан сўнг “*164-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмлари, 165-моддаси учинчи қисми, 166-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмлари, 167-моддаси учинчи қисми, 168-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмлари, 169-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмлари*” ни киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жиноят кодексининг 64-моддаси тўртинчи қисмига кўра, агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс жавобгарликка тортиш муддати ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади. Бундай пайтда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Қолган ҳолларда, агар шахс жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмасдан янги жиноят содир этса, бу

муддатлар ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади” дея қайд этилган. Демак, ушбу норма талабларига мувофиқ, шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни неча мартаба содир этишидан қатъий назар (*агар уларда такрорийлик белгиси бўлмаса*), жавобгарликка тортиш муддатлари ҳар бир содир этган жинояти учун алоҳида ҳисобланади. Мазкур норма жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги муносабати билан шахсни жавобгарликдан озод қилишнинг асосий шартини, яъни шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотган бўлиши талабини ҳам инкор этади. Чунки, шахс бир жиноят ортидан кетма-кет бошқаларини содир этиши унинг ижтимоий хавфлилики даражаси сақланиб қолганини кўрсатади. Фикримизча, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг мантиғи, яъни асосий моҳияти – бу жиноят содир этган шахсни кечиритиш. Шундай экан, савол туғилади: кимлар кечиритишга лойиқ? Албатта, биринчи навбатда, қилган қилмишидан пушаймон бўлиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотган шахслар. Бу эса, жиноят кетидан жиноят содир этганларни жавобгарликка тортиш муддатларининг ҳисобланишига оид қонун нормаларига ўзгартириш киритилишини талаб этади.

Шу ўринда, хорижий мамлакатлар тажрибасидан айримларига эътибор қарацак. Жумладан, Россия Федерацияси ЖКнинг 78-моддаси иккинчи қисмида “агар шахс янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади”, Беларусь Республикаси ЖКнинг 83-моддаси 3-қисмида “қонунда белгиланган муддатда шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши билан муддатнинг ўтиши узилади, бундай ҳолда муддат янги содир этилган кундан бошлаб ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади”, Украина ЖКнинг 49-моддаси 3-қисмида “шахс ўрта оғирликдаги, оғир ёки ўта оғир янги жиноят содир этса, муддат узилади ҳамда янги жиноят содир этилган кундан бошлаб муддат ҳисобланади, бундай ҳолда ҳар бир жиноят учун муддат алоҳида ҳисобланади”, Молдова Республикаси ЖКнинг

60-моддаси 4-қисмида “икки йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган жиноятни содир этганда муддат ўтиши узилади ва янги жиноят содир этилган пайдан бошлаб муддатни ҳисоблаш бошланади” дейилган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 64-моддаси тўртинчи қисмига кўра, фақатгина оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс қонунда назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасдан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилиши қолган ҳолларда эса, агар шахс жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмасдан янги жиноят содир этса, бу муддатлар ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланиши қайд этилган. Шундан келиб чиқиб, Жиноят кодекси 64-моддасининг тўртинчи қисмини қўйидаги таҳрирда баён этишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз: *“Агар жиноят содир этган шахс ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасдан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади.*

*Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади”.*

Барчамизга маълумки, амалдаги жиноят ва жиноят-процессуал қонун нормаларида вояга етмаган шахсларга нисбатан бир қатор имтиёзлар яратилган<sup>19</sup>. Ушбу имтиёзлар тергов ҳаракатлари давомида, ҳимоячидан фойдаланишда, жазо тайинлашда ва бошқа ҳолатларда намоён бўлади. Бироқ шуни ҳам айтиш жоизки, ЖКнинг 64-моддаси ва ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 1-банди бўйича вояга етмаган шахсларга нисбатан алоҳида тартиб белгиланмаган. Ваҳоланки, ривожланган давлатлар жиноят қонунчилигида вояга етмаган шахс учун бир қатор имтиёзлар белгиланган. Масалан, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексларида вояга етганларни жавобгарликка тортиш муддатлари вояга етганларга нисбатан икки баробар кам қилиб белгиланган.

---

<sup>19</sup> Қаранг: Саидов Б .А. Дастлабки терговда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш муаммолари // Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гарови: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2008 йил 14 март). – Т., 2008. – Б.98.

Умуман, бу борадаги халқаро тажриба ва миллий менталитетимиздан келиб чиқиб, қолаверса вояга етмаган шахсларнинг шаклланиш ва ривожланишдан тўхтамаганлиги, тарбиялаш давомида табиатининг ижобий томонга ўзгартириш эҳтимолини кўплиги ҳамда уларнинг ижтимоий хавфлилиги қисқа вақт давом этиб, нисбатан тез ўзгаришини инобатга олган ҳолда<sup>20</sup> жиноят қонунчилигида ҳам уларга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатлари ҳисобланишида алоҳида имтиёзлар берилиши лозим. Ш. Бердиев ҳам вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан озод этишда Жиноят кодексининг 64-моддасида назарда тутилган жавобгарликка тортиш муддатларини ярмига қисқартирилиши бўйича асослантилган таклиф берган. Б.Муродов ҳам унинг фикрини қўллаб-қувватлаб, вояга етмаганларга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатларини ривожланган давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда қисқартириш энг тўғри йўл, деб ҳисоблаб ЖКга “87<sup>1</sup>-модда. *Жавобгарлик ёки жазога тортиш муддати вояга етмаган шахсни жавобгарлик ёки жазодан озод этишда, ушбу Кодекснинг 64 ва 69-моддаларида назарда тутилган жавобгарликка тортиш муддатлари ярмига камайтирилади*” деб таклиф берган. Биз ҳам шу ҳолатларни инобатга олиб, вояга етмаганларни содир этган жиноятини хусусиятини, уларнинг шахсини инобатга олиб, ЖК 87-моддаси 1-қисмида жиноий жавобгарликдан озод қилиб, деган жумладан сўнг “*уш жамоат ташиклоти кафилигига*” жумласини киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида ёзилишича, амнистия – юнонча “*amnestia*” – кечириш, гуноҳидан ўтиш – олий давлат органининг хусусий акти, айрим шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш,

---

<sup>20</sup> Қаранг: *Иноғомжоновна З.Ф., Тўлаганова Г.З.* Жиноят процессида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш // Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: илмий-назарий конференция материаллари. Т., 2008. – Б.46; *Саҳаддинов С. М.* Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш ва уларни такомиллаштириш муаммолари: Монография. – Т., 2012. – Б.49.

жиноят ишини бекор этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қароридир.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, амнистия умумий афв бўлиб, олий давлат ҳокимияти органининг хусусий акти, айрим шахсларни жазодан озод қилиш, жиноят ишини бекор этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қарордир. Амнистия акти билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш деганда, фақат қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлган ёки айбдорлиги суд қарори билан эътироф қилинган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш, айбдорни асосий ҳамда қўшимча жазодан озод этиш тушунилади.

Умуман олганда, амнистия институтининг бир қатор ўзига хос афзалликлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда ифодаланади. Амнистия акти асосида рад этилган ёки тугатилган ҳар бир ишнинг сифат жиҳатдан яхшиланишига, мазкур ишлар юзасидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликларнинг камайишига ҳамда адолатнинг қарор топишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, жиноят оламига адашиб кириб қолган шахслар учун жавобгарликдан озод бўлиш имкониятини беради, ҳамда давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатини амалдаги ифодасини намоён этади. Шунингдек, амнистия акти асосида жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш шахсининг айблилик тўғрисидаги масалани ҳал этмай туриб суднинг ажрими билан ўз ечимини топишини инобатга оладиган бўлсак, амнистия акти асосида жавобгарликдан озод бўлган шахс “судланмаган” ҳисобланади. Бу эса, жамиятимизда рецидив жиноятчиликнинг камайишига хизмат қилади.

Ҳозирги кунда республикаимиз мустақилликка эришгандан буён 30 га яқин амнистия қарори чиқарилди.

Шу билан бирга, тергов ва суд органларининг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш билан боғлиқ амалиётининг таҳлили мазкур қонуннинг баъзи бир

ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади. Уларни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

ЖПКнинг 588-моддасига мувофиқ, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш учун ўзига нисбатан амнистия акти қўлланилаётган шахс амнистия актини қўллашга розилиги ҳақидаги аризани тақдим этиши мажбурий. Лекин қонунимизда мазкур бериладиган аризининг мазмунида нималар акс этиши кераклигини қайд этилмаган. Бу эса, тергов ва суд амалиётида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги аризаларнинг мазмунан турли хил бўлишига сабаб бўлмоқда. Натижада, мазкур ҳужжатларнинг бирида айбланувчининг пушаймон бўлиб, келгусида бу каби жиноятларни содир этмаслик бўйича ваъдалари ҳамда амнистия акти қўлланилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги бўйича маълумотлар акс эттирилган бўлса, қолганларида бундай ҳолатларнинг умуман ўз ифодасини топмаганини кўрсатди. Яъни амалиётда ўзига нисбатан амнистия қўлланилаётган шахс аризасида айбига иқроор ёки иқроор эмаслиги ҳақида ёзмасдан, балки амнистия қўллашга розилигини акс эттиради, аммо ҳақиқатда қилмишига иқроор эмаслигини таъкидлайди. Бу эса турли муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам, ЖПКнинг 588-моддасига қўшимча киритиб қуйидаги таҳрирда тўлдирилиши лозим:

*“Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд шахсининг ҳаракатлари амнистия қарори таъсирига тушган тақдирда, амнистия акти қўлланиладиган шахсга, гумон қилинувчига ёки айбланувчи, судланувчига унинг ҳаракатлари амнистия акти таъсирига тушишини, у хоҳласа жиноят иши қўзғатишдан рад этилиши ёки тугатилиши ҳақида тушунтирилиши шарт.*

*Амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ариза амнистия акти қўлланилаётган шахс, гумон қилинувчи ёки айбланувчи ёхуд уларнинг қонуний вакиллари томонидан берилиши мумкин.*

*Амнистия актини қўллаш тўғрисидаги аризани амнистия акти қўлланилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўз қўли билан ёки унинг номидан компьютерда ёзилган шаклда суриштирув, тергов органига ёки судга тақдим этилиши лозим.*

*Аризада амнистия қўлланилаётган шахс, гумон қилинувчи ёки айбланувчи ўзига нисбатан амнистия актининг қўлланилишига розилиги, айбига иқрорлиги, шунингдек, амнистия актига мувофиқ жиноят ишини қўзғатишини рад этиши ёки тугатиши тўғрисидаги илтимос кўрсатилиши шарт”.*

Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш институтини қўллаш, амалиётда жабрланувчиларга етказилган зарарни ундиришда бир катор муаммоларни келтириб чиқарарди, яъни жиноий жавобгарликдан озод бўлган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи етказган зарарини тўлашдан бўйин товлар эди. Фақатгина, 2015 йил 3 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарорнинг 6-қисми “г” бандида Жиноят кодексининг 167 ва 168-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга нисбатан амнистия актини қўллаш мумкин эмаслиги белгиланди. Ўйлаймизки, мазкур талаб ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилинган ёхуд фирибгарлик жиноятдан жабр кўрган минглаб шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни тўлиқ қопланишига хизмат қилди. Кейинги йилларда амнистия акти қабул қилинмай, балки авф этиш акти қабул қилинмоқда.

Биз ЖКнинг 68-моддасида “*амнистия акти жиноят оқибатида етказган зарарни тўлиқ бартараф этган шахсга нисбатан қўлланилади*” деган жумла билан тўлдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Баъзи хорижий мамлакатларда давлат раҳбарлари томонидан ўз қонунларида мавжуд бўлмаган асослар билан шахсларни жавобгарликдан озод қилиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан, Беларусь Республикаси

Президентининг 1994 йил 3 декабрь ҳамда 2005 йил 12 октябрдаги фармонлари билан қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги муносабати билан шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш тартиби ва асосларига қўшимчалар киритилди. Унга кўра, шахс содир қилган жиноятига чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва уни очилишига ёрдам берса, етказилган зарарни, бузилган мулкый ҳуқуқларни тиклаш билан боғлиқ харажатларни ва кўзда тутилган мулкнинг айланмасидан бой берилган фойдани ихтиёрий равишда тўласа, шунингдек, жиноят қуроллари, воситалари ва жиноий йўл билан олинган даромадни давлат ихтиёрига ўтказган ҳолатларда жиноий жавобгарликдан озод этилади. Бу Фармонни инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ қилмишлардан ташқари, ҳар қандай жиноят содир қилган шахсга нисбатан қўллаш мумкин.

Республика президентиға шахсни жавобгарликдан озод қилиш билан боғлиқ бўлган ваколатнинг берилиши, давлатға етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплашға, худди шунингдек, жиноятчиликка қарши курашувчи органлар билан судгача бўлган босқичда фаол ҳамкорлик қилишға имконият яратади. Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 6 сентябрдаги «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармонида кўриш мумкин. Мазкур Фармон билан террорчи-экстремистик гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган шахсларға ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, жавобгарликдан озод бўлиш имконияти яратилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий жавобгарликдан озод этишнинг мазкур тури шахсни афв этиш ёки унга нисбатан амнистия актини қўллашдан тубдан фарқ қилади. Яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-банди, ЖКнинг 76-моддасига биноан, судлар томонидан ҳукм қилинган шахслар Республика Президенти томонидан афв этилиши назарда тутилган.

Афв этиш ҳар бир маҳкумга нисбатан индивидуал тарзда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилса, юқорида номи қайд этилган Президент Фармонида эса ушбу тоифага тааллуқли барча шахсларни бирварақайига жиноий жавобгарликдан озод этиш назарда тутилган. Шунингдек, амнистия актининг ҳуқуқий оқибати жиноий жавобгарликдан озод этиш, жазодан озод этиш, тайинланган жазо муддатини қисқартириш, жазони енгилроқ тури билан алмаштириш, қўшимча жазодан озод қилиш, судланганликнинг олиб ташланиши кабилар бўлиши мумкин. Амнистия жиноий қилмиши аниқланган, дастлабки тергов органи иш юритувида бўлган ёки суд томонидан жазога тортилган шахсларга нисбатан қўлланилади. Юқоридаги Фармон эса жиноят содир қилиш йўлига кирган бўлса-да, ҳали қўли қонга ботмаган, қилмишидан афсус чекиб, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб кечирим сўраб келган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши назарда тутилган.

ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 3-бандида белгиланган айбланувчи, судланувчи вафот этганлиги муносабати билан жиноят ишининг тугатилиши тергов ва суд амалиётида жуда кам қўлланилади. Жумладан, 2019 йил натижалари бўйича ушбу асос билан тугатилган ишлар сони жами тугатилган ишларнинг 2,6 фоизни, 2020 йилда эса 4,8 фоизини ташкил этади<sup>21</sup>.

Аммо суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётган жиноят иши бўйича жиноят содир этган шахс аниқланмаган ёки аниқланган бўлсада, гумон қилинувчи деб эътироф этилмаган бўлса ҳам амалиётда ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 3-банди билан жиноят иши қўзғатишдан рад этилмоқда ёки тугатилмоқда. Ушбу ҳолатларни қонунга мувофиқлаштириш учун ЖПК 84-моддаси 3-қисмини *“ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки*

---

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси 2019-2020 йил натижалари бўйича статистик маълумотлари.

*судланувчи вафот этган бўлса*” деб, шунингдек, худди шундай ЖПК 84-моддаси 2-қисмидаги “...агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилади” деб белгиланган ушбу қисмдаги айбланувчи сўздан олдин *“ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс*” деб ўзгартириш киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари, суриштирувчи ёки терговчилар жиноят ишини ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 3-банди билан тугатмасликка ҳаракат қилади, чунки, тугатилган жиноят ишлари прокурорлар томонидан назорат тартибида ўрганилиб, арзимаган хато ва камчиликлар аниқланган тақдирда қабул қилинган қарорларни бекор қилишлари ҳамда қарор қабул қилган суриштирувчи ёки терговчига нисбатан хизмат текширувчи ўтказилишига, жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари қайта олиб борилишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам амалиётда суриштирувчи ёки терговчилар вафот этган жиноят содир этган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчиларнинг яқин қариндошларидан жиноят ишини умумий асосга кўра, давом эттириш ҳақида ариза олиб, жиноят ишини айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси билан судга юбориш ҳолатлари учрайди. Чунки айблов хулосаси билан судга юборилган жиноят иши прокурор томонидан ўрганилмайди, балки ушбу жиноят ишини камчиликлари судьянинг бўйнида бўлади.

Жиноят иши фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Юридик адабиётларда ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 6-бандига асосан жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, (ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллардан

ташқари) асоси билан жиноят иши тугатиш институти ёритилмаганлиги сабабли, амалиётда турли хил фикрлар мавжуд.

ЖПКнинг 325-моддасига асосан Жиноят кодекси 105-моддасининг биринчи қисмида (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказганлик), 109-моддасида (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиёзлик орақсида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 118-моддасининг биринчи қисмида (номусга тегиш), 119-моддасининг биринчи қисмида (жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш), 121-моддасининг биринчи қисмида (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур қилиш), 136-моддасида (Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (Тухмат), 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 141<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш), 149-моддасида (Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш) назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина қўзғатилади.

Жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги, айбланувчига қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор жабрланувчининг шикоятсиз ҳам жиноят ишини қўзғатиши шарт.

Жиноят кодексининг 167 (ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш), 170 (Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш), 172 (мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173 (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш)-моддаларида назарда тутилган ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари фақат

мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра қўзғатилади.

Жабрланувчининг шикоят билан қўзғатиладиган жиноят ишлари бўйича корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ва мансабдор шахсларнинг аризаси, агар жабрланувчи устидан ҳомийлик ёки васийлик ҳуқуқига эга бўлса, жиноят иши қўзғатилиши учун асос бўлади.

Ўрганилаётган институт бўйича амалиётда шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан маҳрум бўлиб қолиш ҳоллари ҳам учрайди. Чунки жабрланувчининг ўзи дастлаб берган аризаси бўйича кейинчалик афсус чекиши мумкин. Яъни, жабрланувчи томонидан унга нисбатан содир этиладиган жиноят ҳақида ариза берганлиги ва оқибатда жиноят унинг яқин қариндоши томонидан содир этилганлиги аниқланади. Бирок қонунчиликда бунинг ечими мавжуд эмас.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ЖПК 352-моддасида “168, 169-моддалар”ни киритиш, ҳамда “*жабрланувчи суриштирув, тергов ва суд муҳокамаси вақтида даъводан воз кечган тақдирда жиноят иши тугатилади*” деган жумла билан тўлдирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш.

Юридик адабиётларда ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 7-бандида қайд этилган жиноят ишини тугатиш асосининг етарлича ёритилмаганлиги туфайли, ушбу асоснинг моҳияти, уни қўллаш тартиби юзасидан турли хил фикрлар мавжуд. Б.Муродов ўзининг монографиясида буни амалий фаолият ходимлари ўртасида ўтказилган анкета сўровлари натижаларида ҳам яна бир бор тасдиқлаганини қайд этади. «*Шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса асоси билан қандай ҳолатларда жиноят ишини тугатиш мумкин?*» деган саволга респондентларнинг аксарияти

бундай ҳолатларда жиноят иши ЖПК 83-моддасининг 2-банди билан тугатилиши кераклигини таъкидлаганлар<sup>22</sup>.

Ўрганилаётган асос бўйича шахс ЖКнинг 17-моддасига мувофиқ, жиноятнинг субъекти бўла олмайди. Лекин бундай шахснинг қонунда белгиланган тартибда реабилитация қилиниши, яъни оқланиши ҳам мантиққа зид. Тасаввур қилайлик, 13 ёшли вояга етмаган шахс ўзганинг кўп миқдордаги мулкани яширин равишда талон-торож қилса-ю, биз унинг қилмишини оқлаб чиқсак, яъни реабилитация қилсак, қанчалик тўғри бўлади?! Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қонун чиқарувчи бу каби ҳолатларнинг келгусида такрорланишини олди олиш мақсадида «шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган»лиги асосини ЖПКнинг 84-моддасида мустақил асос сифатида қайд этганлигини таъкидлаш жоиз. Аммо биз бу фикрга унчалик ҳам қўшилмаймиз, чунки вояга етмаган шахс томонидан содир этилган жиноят иши бўйича етказилган зарарни ундириш иккинчи масала, бу ҳолатда шахс фуқаролик тартибида ундириб олиши мумкин. ЖКда жиноятнинг тўртта элементи (томони) бўлсагина жиноят деб топилади, яъни жиноят субъекти, субъектив томони, объекти ва объектив томони. Агар ушбу ҳолатда жиноят субъекти вояга етмаган бўлса, у жиноят субъекти ҳисобланмайди. Демак унинг ҳаракати жиноят ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам биз ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисмининг 7-бандини чиқаришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жиноят ишини тугатиш.

Бугунги кунда Жиноят кодекси Махсус қисмининг 155 (Терроризм), 155<sup>2</sup> (Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш), 157 (Давлатга хоинлик қилиш), 160 (Жосуслик), 177 (Валюта

---

<sup>22</sup> Б.Муродов жиноят ишини тугатиш: назария ва амалиёт моног. 2015

қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш), 211 (Пора бериш), 212 (Пора олиш-беришда воситачилик қилиш), 223 (Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш), 244<sup>2</sup> (Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш) ва 248 (Қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш) моддаларида шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи махсус нормалар мавжуд.

Ш.Бердиевнинг фикрича, Жиноят кодекси Умумий қисмидаги шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш билан боғлиқ барча моддалар Махсус қисмидаги жиноятлардан бири содир этилганда қонунда кўрсатилган асосларга кўра, айбдорнинг жиноий жавобгарликдан озод қилинишида универсал хусусият касб этади<sup>23</sup>. Масалан, ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси диспозициясида белгиланган асосларга кўра, шахс ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашув институти Махсус қисмининг 46 та моддасидаги 60 та жиноят таркиби бўйича қўлланилиши мумкин. Бироқ ЖК Махсус қисмидаги жиноий жавобгарликдан озод қилиш нормалари айнан шу модда мазмунидан келиб чиқиб, фақат шу моддага нисбатан татбиқ этилиши хусусияти, шунингдек, асосан, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилишига боғлиқлиги билан Умумий қисмидаги жиноий жавобгарликдан озод қилиш нормаларидан фарқ қилади. Дарҳақиқат, бу фикр ҳар жиҳатдан асосли, чунки Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиш асосини қўллаш шартлари бошқа ишни тугатиш асосларига нисбатан бир мунча фарқ қилади. Хусусан, ўрганилаётган асосни қўллаш учун Жиноят кодекси

---

<sup>23</sup> Бердиев Ш. Жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жиноий жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. док. ... дис. – Т., 2011. – Б.270-271.

Махсус қисмида назарда тутилган тегишли жиноятнинг диспозициясида қандай ҳолатларда шахсни жавобгарликдан озод этиш мумкинлиги аниқ белгиланган бўлиши лозим. Ўз навбатида, Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш шартларини қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

- жиноят содир этган шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги;

- жиноятнинг олдини олиш, уни очиш ва жиноятнинг бошқа иштирокчилари фош қилинишига фаол кўмаклашганлиги;

- шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби йўқлиги;

- шахс ўзининг ҳаракатлари билан республика манфаатларига зарар етказмаганлиги ёки бошқа оғир оқибатлар келтириб чиқармаганлиги;

- жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда қонунда белгиланган аниқ бир муддатда ҳокимият органларига мурожаат этганлиги ва бошқалар.

Санаб ўтилган талаблар Жиноят кодекси Махсус қисмида шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган тегишли жиноят таркибида белгиланган шартларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади. Агар аниқ бир нормада, яъни ЖКнинг 211-моддаси 4-қисми ҳамда 212-моддаси 4-қисмида назарда тутилган ҳолат мисолида шахсни жавобгарликдан озод қилиш учун қуйидаги ҳолатлар исботланган бўлиши лозим:

- товламачилик йўли билан пора талаб қилинган ҳолат далиллар асосида тўлиқ тасдиқланганида;

- ариза қонунда назарда тутилган муддатда, яъни ўттиз сутка мобайнида тақдим қилинганда;

- ҳар қандай ноқонуний ташқи таъсирлардан (жисмоний, руҳий) холи тарзда ўз ихтиёри билан арз қилганда;

- пора берганлик ва воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахс содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлик билдирган ҳолатда;

- пора берганлик ёки воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахс ушбу жиноятни очишда фаол иштирок этганида<sup>24</sup>.

Лекин ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 8-бандида назарда тутилган асосни қўллаш учун барча ҳолатларда “жиноят содир этган шахсни ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги” ва “жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги” талабига қатъий эришиш лозим. Чунончи, мазкур талаблар ўрганилаётган асоснинг асл мазмунини ташкил этади.

Жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш учун жиноий-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал қонунларда қайд этилган қўйидаги ҳолатлар исботланган бўлиши лозим:

1) *содир этилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида қайд этилган бўлиши*; Агар дастлаб қонуннинг ушбу қисмидан жой олган жиноят таркиблари 32 та бўлган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 60 дан ортди. Назаримизда, томонларнинг ярашишига имкон берадиган нормалар доирасини инсон ва жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда кенгайтириб бориш зарур.

Шу боис, ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасини қўйидаги жиноят таркиблари билан тўлдиришни таклиф этамиз:

- *ЖКнинг 105-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди (икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан), «б» банди (ҳомилдорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан), «в» банди (ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан);* - *112-моддасининг биринчи қисми (ўлдириши ёки зўрлик ишлатиши билан қўрқитиши);*

---

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Олий суднинг раиси, Миллий хавфсизлик хизмати раиси ва Ички ишлар вазирининг 2014 йил 23 июндаги “Порахўрлик жиноятлари ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш, бу тоифадаги жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўришда қонун талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш бўйича” Қўшма кўрсатмасининг 7-банди.

- 166-моддасининг биринчи қисми (талончилик).

2) шахснинг жабрланувчига етказилган зарарни бартараф этиши; Гарчи, жабрланувчига етказилган зарарнинг айбланувчи (гумон қилинувчи) томонидан қопланиши яраштирув институтининг мажбурий шарт сифатида қайд этилган бўлса-да, ушбу нормани қай тартибда амалга ошириш кераклиги белгиланмаган. Бу эса олимлар ўртасида бир-бирини инкор этувчи қараш ва фикрларнинг юзага келишига, яраштирув институти нормаларининг амалиётда турлича қўлланилишига олиб келмоқда. С. Низамовнинг фикрича, етказилган зарарни бартараф этиш – моддий аҳамиятга эга бўлган нарсани пул ёки унинг қийматига тенг бўлган бошқа буюмда қайта тиклаш; шикастланган, бузилган буюмларни тузатиб бериш; ўғирланган нарсани қайтариб бериш; шунингдек, жабрланувчини зарур дори-дармонлар билан таъминлаш, унинг тўлиқ даволаниб чиқиши учун санаторияларга йўлланмалар олиб бериш каби қонун билан тақиқланмаган ҳаракатлар кўринишида амалга оширилиши мумкин<sup>25</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқадики, жабрланувчи ўзига етказилган зарарни қандай шаклда қоплашни талаб қилса, айбланувчи худди шу тартибда қоплаб беришга мажбур. Айбланувчи ёки ишни юритишга масъул бўлган органлар зарарни қоплаш шаклини жабрланувчининг розилигисиз ўзлари мустақил белгиласалар, жабрланувчи ярашиш истагидан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлади. Шундай экан, яраштирув ишлари юзасидан етказилган зарарни қоплашнинг шакли жабрланувчининг ихтиёридан келиб чиқиб ҳал этилиши зарур.

Мазкур омилдан келиб чиқиб, ЖПК 583-моддасининг 3-қисмини «*Етказилган зарарни қоплашнинг миқдори ва шакли жабрланувчи томонидан белгиланган фуқаролик даъво асосидан келиб чиқиши лозим*» деган жумла билан тўлдириш лозим.

---

<sup>25</sup> Низамов С. Ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш шакли сифатида. // Ҳуқуқ ва бурч. – 2009. – № 12. – Б.47.

Бундан ташқари амалиётда ярашув билан боғлиқ айрим жиноят ишларида айбланувчи жабрланувчининг ишончини суиистеъмол қилиши ёки уни алдаб, етказган зарарини қоплашдан бўйин товлаши, шунингдек, айрим жабрланувчиларнинг зарарни қоплаган айбланувчиларга нисбатан қайта даъво қилиш ҳоллари учрамоқда<sup>26</sup>.

Шу боисдан, ушбу муаммоларнинг олдини олиш учун етказилган зарарни қоплаш жараёнини қонуний йўл билан тартибга солиш зарур. Ушбу масала устида ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи ходимлар орасида баҳсмунозаралар ҳам мавжуд. И. Хожаназаров ва А. А. Ҳамидуллаевнинг фикрича, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш жараёнини ярашув шартномаси сифатида нотариус орқали расмийлаштириш юзага келадиган барча тушунмовчилик ва зиддиятларга барҳам беради<sup>27</sup>. Аммо бизнингча, масаланинг яраштирув шартномаси сифатида нотариус орқали расмийлаштириш йўли билан ҳал этилиши ҳамма вақт ҳам самара бермайди. Чунки, мазкур йўл жараёни мураккаблаштириб, тегишли тергов органлари, айниқса ярашиш истагида бўлган томонлар (айбланувчи ва жабрланувчи)га муайян ноқулайликлар туғдиради.

*Жиноятни содир этган шахснинг жабрланувчи билан ярашиши;* Томонларнинг ярашганлиги жабрланувчининг айбланувчи билан ярашиш истагини ифодаладиган ва унга нисбатан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимос мазмунига эга бўлган ариза беришида намоён бўлади.

*Жиноятни содир этган шахснинг ўз айбига иқрор бўлиши-* жиноят ишини ушбу асос билан тугатиш учун ишга жалб қилинган гумон қилинувчи ёки айбланувчи ўзига нисбатан билдирилган гумон ёки айбнинг асосли эканлигини тасдиқлаши лозим. Ушбу талабнинг тўлиқ

---

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. – 2005. – № 2. – Б. 18–19.

<sup>27</sup> Хожаназаров И. Яраштирувнинг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамияти // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2002. – № 4. – Б.84; Ҳамидуллаев А. А. Ярашув институти: жазолаш судловидан ҳуқуқни тиклаш одил судловига ўтиш механизми. – Т., 2003. – Б.23–24.

базарилиши жиноят ҳақиқатан ҳам ишга жалб қилинган гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан содир этилганлигини аниқлаш имконини беради.

Назаримизда, ЖПКда қайд этилган барча асослар билан ишни тугатишда, энг аввало, жиноят ҳақиқатан ҳам ишга жалб қилинган шахс томонидан содир этилганлигини исботлаб олиш лозим. Зеро, ЖКнинг 9-моддасида кўрсатилганидек, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавfli қилмишлари учунгина жавобгар бўлади ва уни исботлаш тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мажбурияти ҳисобланади. Масаланинг бундай ҳал этилиши Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларнинг барча принцип ва нормаларига тўлиқ мос келиши билан бирга, айбсиз шахсларнинг жинойи жавобгарликка тортилмаслигини ёки ҳақиқий айбдорларнинг тегишли жазосиз қолмаслигини таъминлайди.

Дарҳақиқат, амалдаги жиноят ва жиноят-процессуал қонунларнинг ярашув институти билан боғлиқ нормалари ўрганилаётган масала юзасидан аниқ бир кўриниш касб этмагани туфайли, билдирилган у ёки бу фикрни қабул қилиш ёхуд аксинча, рад этиш жуда мушкул. Лекин ярашув институти жиноят-процессуал муносабатларга «диспозитив ҳуқуқни»<sup>28</sup> кенг жорий қилиш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири бўлганлигини эътиборга олиб, олимларнинг ушбу асосларни қўллаш тегишли органлар учун мажбурий, деган фикрига қўшилиш мумкин.

Шунингдек, ЖКнинг 66<sup>1</sup> –моддаси 2-қисмида оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жинойи жавобгарликдан озод қилинмаслиги белгиланган. Ушбу модда ҳам шахснинг ҳуқуқларини чекланишига олиб келади деб ўйлаймиз, чунки амалиётда оғир ёки ўта оғир жиноятни содир

---

<sup>28</sup> «Шахснинг ўз ҳуқуқларидан эркин фойдаланиши» маъносини англатади.

Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – Б.130.

этиб, жазони ўтиб чиққан шахс, судланганлиги тугамасдан, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этиши мумкин ёки 66<sup>1</sup>-моддада кўрсатилган бошқа бир жиноятни содир этса, уни жавобгарликка тортиб жазо тайинлаш бизнинг фикримизча қонунчиларимизда белгиланган адолат принципига зид деб ҳисоблаймиз ва ушбу моддани 2-қисмини чиқариб ташлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Терговчилар гуруҳи раҳбари ЖПК 355-моддасининг 2-қисмига кўра, шахсан ўзи тергов ҳаракатларини бажариш ваколатларига эгаллигини инобатга олсак, қонуннинг мазкур нормасига киритилган кўшимчани ҳар жиҳатдан асосли, деб баҳолаш мумкин. Лекин тергов гуруҳи раҳбарига шу жойнинг ўзида тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ишни судга юбориш ҳақида қарор чиқариш ҳуқуқининг берилмаганлиги биров тушунарсиз. Сабаби, юқорида айтганимиздек, тергов гуруҳи раҳбари терговчининг барча ваколатларидан, жумладан, ЖПК 584-моддасининг 1-қисмида қайд этилган тарафларни яраштириб, ишни судга юбориш ҳақидаги қарор чиқариш ҳуқуқига эга. Шу боис, ЖПК 355-моддаси 1-қисмининг 7-бандига ёки тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш деган жумлани киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, ЖПК 373-моддасининг 2-қисмида фақат амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш назарда тутилиб, ярашув институти эътибордан четда қолдирилган. Шу боис, ЖПК 373-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

*“Ушбу Кодекс 84-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида ва 84-модданинг 4-қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, жиноят ишини тугатиш тегишинча ушбу Кодекснинг 62-боби ва 63-бобида назарда тутилган қоидаларга биноан суд томонидан амалга оширилади”.*

Шунингдек, амалдаги ЖПКнинг 585 ва 586-моддаларига кўра ярашув институтини қўллаш орқали шахсни жавобгарликдан озод қилиш

учун бажарилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатларнинг бир қисми суд босқичида амалга оширилиши белгиланган бўлишига қарамай, ушбу Кодекснинг 62-боби “Судга қадар иш юритиш босқичида ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш” деб номланган. Зеро, судга қадар иш юритиш босқичи ўзининг мазмуни билан терговга қадар, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларини қамраб олади. Яъни мазкур бобнинг номланиши унинг мазмунига мутаносиб эмас ва шунинг учун уни *“Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш”* деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

### **3-БОБ. ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШГА ОИД ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР**

#### **3.1-§. Жиноят ишини тугатишга оид хорижий давлатлар тажрибаси ва таҳлили**

Жиноят ишини тугатишга оид хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, хусусан Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 273-моддаси ҳамда Беларус Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 324-моддасига мувофиқ, жиноят ишини тугатиш учун асослар ҳамда суд тергови тартиби белгиланган.

Россия Федерацияси жиноят қонунчилига кўра жиноят процессида ишнинг тугатилиши тушунчаси дастлабки терговнинг тугатилиш шакли ҳисобланиб, терговчи қарорни судга юбормасдан туриб ўз қарори билан яқунлайди. Агар ишни давом эттиришнинг имкони ёки зарурлигини истисно этадиган ҳолатлар аниқланса, жиноят ишини тергов қилиш тугатилади. Жиноят ишининг асосли ва ўз вақтида тугатилиши айбсиз одамни жиноий таъқибдан ҳимоя қилади ёки содир этилган қилмишнинг аҳамиятсизлиги ва жабрланувчи билан ярашиш, фаол пушаймон бўлиш ёки қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлар туфайли катта ижтимоий хавф туғдирмайдиганларга нисбатан жазо чораларини қўллашни истисно қилади.<sup>29</sup>

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 212-моддасида жиноят ишини тугатиш учун асосларнинг тўлиқ рўйхати берилган бўлиб, жиноят иши қуйидаги ҳолатларда тугатилади:

1. Агар иш юритишни истисно қиладиган ҳолатлар бўлса;

---

<sup>29</sup> Уголовное право России. Общая часть: Учебник (3-е издание, переработанное и дополненное) / Под ред. Ф.Р. Сундурова, И.А. Тарханова. — М.: Статут, 2009Й.

2. Гумон қилинувчи ёки айбланувчи жиноят содир этишда қатнашмаган бўлса;
3. Терговчи ва суриштирувчига прокурорнинг розилиги билан шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишга имкон берадиган ҳолатлар мавжуд бўлса;

Жиноят содир этилмаганлиги ва ушбу қилмишда жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги ва Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 27-моддасига кўра гумон қилинувчи ёки айбланувчи жиноят содир этишда иштирок этмаган ҳолатларида шахс реабилитация қилинади ва шахснинг унинг айбсизлиги тан олиншини англатади. Ушбу асослар бўйича иш тугатилган тақдирда, терговчи ёки прокурор Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган шахсни реабилитация қилиш ва ушбу кодекс 212-моддаси иккинчи қисмига кўра жиноий таъқиб қилиш натижасида унга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш чораларини кўради. Жиноий таъқиб қилиш муддати тугаши муносабати билан жиноят ишини тугатиш, жиноятнинг далиллари борлиги тўғрисида суд ҳулосаси йўқлиги ёки Федерация Кенгаши, Давлат Думаси, Россия Федерацияси Конституциявий суди, судьяларнинг малакали ҳайъати томонидан жиноий иш қўзғаш ёки қонун билан белгиланган шахслар доирасини судланувчи сифатида жалб қилиш учун розилиги бўлмаганлиги сабабли Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексининг 24-моддаси 1-қисмига кўра тарафларнинг ярашиши муносабати билан, ушбу кодекс 25, 28-моддаларида фаол тавба қилиш муносабати билан, шунингдек амнистия акти ёки Федерация Кенгаши ёки Давлат думаси томонидан қонунда белгиланган шахсларнинг дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этишга розилик бериш рад этилганлиги сабабли айбланувчининг розилиги билан мазкур кодексининг 27-моддасига мувофиқ йўл қўйилади.

Терговчи жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорнинг нусхасини ўзига нисбатан қўзғатилган жиноят иши тугатилган шахсга,

жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга ва фуқаровий жавобгарга топширади ёки юборади. Бундай ҳолда, жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга фуқаролик судида даъво қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Жиноят ишида бир неча айбланувчи бўлган ва жиноий таъқиб фақат биттасига нисбатан терговчи моддасига биноан тугатилган ҳолларда Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддасига асосан ушбу айбланувчини жиноий таъқиб қилишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Терговчининг жиноий ишни ёки жиноий таъқибни тугатиш тўғрисидаги қарорини ноқонуний ёки асоссиз деб топиб, прокурор тегишли материалларни тергов идораси раҳбарига жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун юбориш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилади. Терговчининг жиноят ишини ёки жиноий терговни тугатиш тўғрисидаги қарорини ноқонуний ёки асоссиз деб билган прокурор уни бекор қилади ва жиноий ишни қайта давом эттиради. Терговчи жиноий ишни ёки жиноий таъқибни ноқонуний ёки асоссиз деб топиш тўғрисидаги қарорини тан олиб, тергов органининг раҳбари уни бекор қилади ва ишни давом эттиради<sup>30</sup>.

Агар суд терговчининг жиноят ишини ёки терговни тугатиш тўғрисидаги қарорини ноқонуний ёки асоссиз деб топса, у қарор қабул қилади ва уни ижро этиш учун тергов органи раҳбарига юборади.

Илгари тугатилган иш бўйича иш юритишни қайта бошлаш янги ёки янги очилган ҳолатлар юзага келганига қараб амалга оширилиши мумкин, ammo шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддати тугамагунга қадар.

Жиноят ишини давом эттириш тўғрисидаги қарор айбланувчига, унинг ҳимоячисига, жабрланувчига, унинг вакилига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ёки уларнинг вакилларига, шунингдек прокурорга етказилади.

---

<sup>30</sup> Пикалов И. А. Уголовный процесс Российской Федерации (краткий курс): Учебное пособие, 2005Г.

Гумон қилинувчи ёки жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг жиноий ҳодисага иштироки исботланмаган бўлса, қўшимча далиллар тўплаш учун барча имкониятлар тугаган бўлса, жиноий таъқиб тугатилиши мумкин. Ушбу қоида жиноят воқеаси аниқланганда қўлланилади, аммо далил тўплаш учун барча имкониятлар тугагани ва терговчи жиноятни айбланувчи томонидан содир этилганлигини аниқлаб олиши керак. Акс ҳолда бу исботсиз айбловга сабаб бўлади. Демак, айбланувчининг айби исботланганида жиноий таъқиб тугатилади ва шунинг учун жиноят содир этилиши чиқариб ташланади. Иккала ҳолатда ҳам, айблов презумпциясига биноан кўрсатилган асосда жиноий таъқибнинг тугатилиши жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг тўлиқ ва сўзсиз тикланишини англатади. Исбот қилинмаган айб қонуний исботланган айбсизликка тенгдир. Агар айбланувчининг жиноят содир этганлиги исботланмаса ва ишнинг ҳолатлари бошқа шахс томонидан жиноят содир этиш эҳтимолини истисно қилса, жиноий жавобгарликка тортиш тўхтатилади. Агар айбланувчи тарихида иштирок этган шахснинг айби исботланмай жиноят бошқа, номаълум шахс томонидан содир этилганлиги маълум бўлса, айбланувчи сифатида иштирок этган шахснинг жиноий таъқиб қилиниши тўхтатилади ва иш бўйича тергов тугатилади.

Шу билан ишни тугатиш тўғрисида асослантирилган қарор тузилади, унда уни тайёрлаш вақти ва жойи, терговчи, суриштирувчи ва суриштирув органи раҳбарининг фамилияси ва лавозими кўрсатилади. Жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб ва асос бўлган ҳолатлар ва тергов натижалари, жиноятни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қўлланилган жиноий ҳуқуқий хусусиятлар ва профилактика чоралари кўрсатилиб, қарорда ашёвий далилларнинг тақдири, профилактика чораларини бекор қилиш ва дастлабки терговни тўхтатиш асослари қарорда ўз аксини топиши керак. Қарор терговчи, суриштирувчи томонидан имзоланади ва унинг нусхаси

ўша куннинг ўзида прокурорга юборилади. Бунда терговчи гумон қилинувчини, айбланувчини, уларнинг ҳимоячисини, жабрланувчини, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни ва уларнинг вакиллари, шунингдек баённома асосида иш очилган давлат органи, муассасасининг шахсини ёки вакилини ёзма равишда хабардор қилади. Бунда ушбу шахсларга иш материаллари ва апелляция тартибида танишиш ҳуқуқи тушунтирилади. Уларнинг илтимосига биноан уларга дастлабки тергов ёки жиноий жавобгарликни тўхтатиш тўғрисидаги қарор нусхаси тақдим этилади<sup>31</sup>.

Терговчи ёки суриштирувчининг қарори устидан гумон қилинувчи, айбланувчи, уларнинг ҳимоячиси ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари, шунингдек иш кўзғатилган давлат органи, муассаса вакили ёки шахс вакили прокурорга шикоят қилиши мумкин. Агар дастлабки тергов ёки жиноий таъқиб прокурор томонидан тўхтатилса, қарор устидан юқори турувчи прокурорга ёки судга шикоят қилинади.

Терговчи ва суриштирув органининг иш юритишни тугатиш тўғрисидаги қарорини нотўғри тан олган прокурор, ўз қарори билан уни бекор қилади ва агар даъво муддати тугамаган бўлса, ишни давом эттиради. Иш юритишни тиклаш тўғрисида манфаатдор томонлар ёзма равишда хабардор қилинади.

Шунингдек, Германия Федератив Республикаси Жиноят - процессуал кодексида қуйидаги асосларда ҳодисада жиноят предметлари мавжуд бўлсада, аҳамиятсизлиги сабаб жиноий таъқибни бекор қилинади:

1. Агар жиноят ишида шахснинг айблилик ва ижтимоий хавфлилик хусусиятлари мавжуд бўлмаса, прокуратура томонидан суднинг розилиги билан судда кўришга тайёр бўлган жиноят ишини юритиш рад этилади;

---

<sup>31</sup> Пикалов И. А. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации. М.: Юрлитинформ, 2008Г.

2. Агар айблов қўйилган бўлса, тергов органлари ишни ҳар қандай босқичида ушбу банднинг зарур шартларига мувофиқ прокурор ёки айбланувчининг розилиги билан тўхташи ёки судга тақдим этиши мумкин.<sup>32</sup>

Шунингдек ушбу давлат қонунчилигига кўра, суд ҳукм чиқаришидан олдин зарур шартлар бажарилган бўлса, прокуратура суднинг розилиги билан давлат айбловни рад этиши мумкин. Агар айблов илгари берилган бўлса, суд прокуратура розилиги билан ишни суд муҳокамасигача тугатиши мумкин<sup>33</sup>.

Баъзи хорижий мамлакатларда давлат раҳбарлари томонидан ўз қонунларида мавжуд бўлмаган асослар билан шахсларни жавобгарликдан озод қилиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан, Беларусь Республикаси Президентининг 1994 йил 3 декабрь ҳамда 2005 йил 12 октябрдаги фармонлари билан қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги муносабати билан шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш тартиби ва асосларига қўшимчалар киритилди. Унга кўра, шахс содир қилган жиноятига чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва уни очилишига ёрдам берса, етказилган зарарни, бузилган мулкний ҳуқуқларни тиклаш билан боғлиқ харажатларни ва қўзда тутилган мулкнинг айланмасидан бой берилган фойдани ихтиёрий равишда тўласа, шунингдек, жиноят қуроллари, воситалари ва жиноий йўл билан олинган даромадни давлат ихтиёрига ўтказган ҳолатларда жиноий жавобгарликдан озод этилади. Бу Фармонни инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ қилмишлардан ташқари, ҳар қандай жиноят содир қилган шахсга нисбатан қўллаш мумкин.

---

<sup>32</sup> <https://germanlawarchive.iuscomp.org/?p=754>.

<sup>33</sup> Blankenburg, E./ Treiber, H., The establishment of the public prosecutor's office in Germany. 13 International Journal of the Sociology of Law 375-391. 1985Y.

### **3.2-§. Жиноят ишини тугатишга доир нормаларни такомиллаштириш масалалари**

“Жиноят ишини тугатиш”ни дастлабки терговни тамомлашнинг бир тури сифатида баҳолаб, аниқ бир ҳаётий вазиятни жиноят-процессуал воситалар ёрдамида тадқиқ этишни яқунлаш ва ушбу ҳолат бўйича жиноят ишини белгиланган тартибда расмийлаштириб қўйиш” мумкин бўлса, бошқа бир томондан суд мажлисида прокурорнинг айбловдан воз кечишини жиноят ишини тугатиш, деб ҳисоблаш мумкин. Назаримизда, бу фикрлар мунозарали ва баҳсли талабдир<sup>34</sup>.

Гарчи, хорижий мамлакатларда суд жараёнида прокурорнинг айбловдан воз кечиши жиноят ишини тугатишнинг алоҳида мустақил асоси ҳисоблансада, назаримизда, мазкур асосни Жиноят-процессуал кодексига киритиш тўғри бўлмайди. Чунки, прокурорнинг айбловдан воз кечиши - бу жиноят ишини мазмунан ҳал этишдаги унинг субъектив ёндашувидир. Аммо бугунги кунда ЖПКнинг 409-моддасида прокурорнинг айбловдан воз кечиши суд томонидан жиноят ишини реабилитация қилинишига сабаб бўлиши кўрсатилган. Аммо бу нотўри деб ҳисоблаймиз. Чунки прокурор айбловдан воз кечган тақдирда ҳам шахснинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд бўлсачи, унда суд прокурорнинг айбловдан воз кечганлигини инобатга олиб, асосиз равишда жиноят ишини тугатиши, бу эса ўз навбатида ноқонуний қарор қабул қилинишига, яъни жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини бузилишига, айб учун жавобгарлик принципини бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Чунки прокурор атайлаб айбловдан воз кечган тақдирда, суд жиноят ишини тугатиш масаласини иш бўйича тўпланган далилларга баҳо бериш орқали бевосита ҳал этиши лозим.

Шунингдек, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш институтининг жиноят-процессида муҳимлиги

---

<sup>34</sup> Б.Муродов Жиноят ишини тугатиш Назария ва амалиёт монография -2015 й

билан бир қаторда, суд-тергов амалиётида уларни қўллаш билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Қуйида мазкур институт билан боғлиқ бўлган муаммоларни таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисмининг 1–3, 8-бандларида назарда тутилган асослар бўйича жиноят иш тугатиладиган бўлса, жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарнинг мулкӣ ҳуқуқлари бузилиш ҳолатларини амалиётда кўришимиз мумкин. Фикримизни қуйида асослашга ҳаракат қиламиз.

Мисол учун шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, агар айбланувчи ёки судланувчи (айрим ҳолатларда уларнинг яқин қариндошлари) ариза билан мурожаат қилмас экан, тергов ёки суд томонидан шахснинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан туриб жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарилади.

Ушбу ҳолатда фуқаровий даъвогар ёки жабрланувчининг мулкӣ ҳуқуқлари бузилади. Ваҳоланки, жиноят ишини тугатиш қарорида жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга мулкӣ ҳуқуқлари бўйича фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтириб ўтилади.

Шахсга нисбатан жиноят иши ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 1-8-бандлари, бешинчи қисмининг 1,3-бандларига мувофиқ тугатилган ҳолда унга нисбатан фуқаровий даъво кўрмай қолдирилади ва манфаатдор шахсларга уларнинг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилади. Жиноят иши апелляция ёки кассация тартибида юқорида кўрсатилган асосларга биноан тугатилганда ҳам фуқаровий даъвога нисбатан шундай оқибатлар юзага келади.

Ушбу ҳолатда агар фуқаровий даъвогар ёки жабрланувчи фуқаролик ишлари бўйича судга жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашни сўраб мурожаат қиладиган бўлса, суд томонидан умумий тартибда айбсизлик презумпциясига асосан (чунки жиноят ишини тугатиш

тўғрисидаги қарорида ёки суд ажримида айблилик масаласи ҳал қилинмаган бўлади) даъво талаблари қаноатлантиришдан рад этилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Агар фуқаровий даъвогар ёки жабрланувчи судга умумий тартибда даъво киритадиган бўлса, иш судда кўриб чиқиш вақтида (агар умумий даъво муддати ўтиб кетган бўлса) тарафларнинг талабига кўра даъво муддати ўтиб кетилганлиги сабабли даъво рад этилади.

Хусусан, шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги боис жиноят иши тугатиладиган бўлса, (Жиноят кодексининг 64-моддасига кўра жавобгарликка тортиш муддати энг камида 2 йилни ташкил этади) қатта эҳтимол билан умумий тартибда фуқаровий даъвогар ёки жабрланувчи учун умумий даъво муддати ўтиб кетиши мумкин.

Жиноий жавобгарликка тортиш муддати – жиноят содир этилган пайтдан бошлаб ва ҳукмнинг қонуний кучга кирган пайтигача қонунда ўрнатилган муддатларнинг тугаши, шундан сўнг жиноятни содир этган шахс, тегишли шартлар мавжудлигида жиноий жавобгарликдан озод қилиниши лозим.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси иккинчи қисмига кўра, ушбу модда биринчи қисмининг 1,2,3 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилади.

Шу сабабли, айбланувчи ёки судланувчининг суд томонидан айбдор деб топилишида фуқаровий даъвогар ёки жабрланувчи ҳам мулкрий томондан манфаатдорлигини инобатга оладиган бўлсак, тергов ёки суд тергови амалда давом эттирилиб, айбланувчи ёки судланувчининг

айбдорлик масаласини кўриб чиқишда уларга ҳам ариза билан муурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Иккинчидан,** Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида айбланувчи ёки судланувчи вафот этганлиги сабабли айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб жиноят ишининг тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган. Бироқ, бугунги кунда суд-тергов амалиётида гумон қилинувчининг вафот этиш ҳолатлари ҳам мавжуд эканлигини унутмаслик керак.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида суришрив, тергов ёки суд давомида гумон қилинувчи вафот этган тақдирда жиноят ишини ҳал этиш тартиби аниқ белгилаб қўйилмаган.

Бугунги кунда эса, гумон қилинувчи вафот этган ҳолларда ваколатли органлар томонидан унга дастлаб сиртдан айб эълон қилинади, кейин ушбу жиноят иши айбланувчининг вафот этганлиги муносабати билан айблилик масаласи ҳал қилинмасдан туриб тугатилиш амалиёти мавжуд.

Бироқ, агар жиноят иши қўзғатилмаган бўлса, шахс айбланувчи мақомида бўлиши мумкин эмас. Бу эса, Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасида кўрсатилган нормаларга зид ҳисобланади.

Шунга кўра, айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб жиноят ишини тугатиш учун вафот этганлиги асос бўлган шахслар доирасини кенгайтириш таклиф қилинмоқда. Шу сабабли, гумон қилинувчи вафот этганлиги ҳолатини ҳам айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш асосларидан бири сифатида Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасига киритсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса, ўз навбатида, қонунийлик принципини амалда тадбиқ этилишига хизмат қилади.

**Учинчидан,** айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш билан боғлиқ бўлган яна бир муаммо бу – Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 6-бандида (иш фақат

жабрланувчининг шикоятни билан кўзғатиладиган ҳолларда унинг шикоятни бўлмаса, ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) назарда тутилган ҳолат ҳисобланади. Фикримизни қуйида асослашга ҳаракат қиламиз.

Суд-тергов амалиётида Жиноят-процессуал кодекси 325-моддаси ҳамда 84-моддасини нотўғри талқин қилиш ҳолатлари учрамоқда. Аксарият суриштирув ва тергов органлари томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддаси талаблари нотўғри талқин қилиниши натижасида жабрланувчининг шикоятни йўқлигини вақ қилиб кўрсатиб, асоссиз равишда Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси иккинчи банди (гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса) билан жиноят иши кўзғатишни рад этиш (агар иш кўзғатилган бўлса, уни тугатиш) ҳақида қарорлар қабул қилиниб келинмоқда.

Ваҳоланки, мазкур тоифадаги ишларни қонун талабларига кўра Жиноят-процессуал кодекси 84-модда олтинчи бандига асосан айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш лозим. Яна бир мунозарали ҳолат бу жабрланувчининг шикоятнига кўра жиноят ишини кўзғатиш ҳолати билан боғлиқ.

Мисол учун, терговчи жиноят ишини Жиноят-процессуал кодекси 325-моддаси, яъни жабрланувчининг шикоятнига кўра жиноят ишини кўзғатди. Дастлабки тергов давомида жабрланувчи айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси прокурорга терговчи ёки суриштирувчи томонидан юборилишидан олдин, жабрланувчи шикоятни қайтариб олган тақдирда, жиноят ишини тугатишнинг аниқ асослари ва тартиби Жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйилмаган.

Ҳозирда амалиётда суриштирувчи ёки терговчи томонидан тарафлардан ҳеч қандай шикоятни йўқ эканлиги мазмунидаги тушунтириш хати олган ҳолда, жиноят ишини Жиноят-процессуал кодекси 83-модда

иккинчи банди (содир этилган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса) асосида тугатиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Шунга кўра, жабрланувчи суриштирув ёки дастлабки тергов давомида шикоятини қайтариб олган тақдирда жиноят ишини тугатишнинг аниқ тартиби ва асосини Жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур ҳолат билан боғлиқ яна бир муаммоли ҳолат бу Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 6-бандида белгиланган норма билан боғлиқ. Яъни мазкур бандда иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, иш тугатилиши белгиланган. Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида эса, жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган жиноят ишлари берилган. Мазкур нормани таҳлил этадиган бўлсак, Жиноят процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 6-бандига асосан жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, жиноят иши тугатилиши лозим.

Бироқ, мазкур банднинг ўзида Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно деган норма ҳам белгилаб қўйилган. Модда мазмунидан шуни тушиниш мумкинки, умумий маънода Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (чунки мазкур норманинг ўзида жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши қўзғатиладиган ҳолатлар берилган) деган норма, жиноят иши жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, жиноят иши тугатилиши лозимлигини истисно этади. Аслида, Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 6-бандининг бундай таҳрирда баён этилишига асосий сабаб, Жиноят процессуал кодексининг 325-моддасида прокурорнинг жабрланувчининг шикоятисиз

ҳам жиноят ишини қўзғатиш мумкин эканлиги ҳақидаги норманинг белгилаб қўйилганлиги ҳисобланади.

Шунга кўра, Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 6-бандига қуйидаги мазмундаги таҳририй ўзгартириш киритиш лозим. “Иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, прокурор жабрланувчининг шикоятсиз ҳам жиноят ишини қўзғатиш ҳоллари бундан мустасно;”.

Таҳлил натижалари юзасидан, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисмининг 1 – 3, 8-бандларида назарда тутилган асослар бўйича жиноят иш тугатиладиган бўлса, жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарнинг мулкӣ ҳуқуқлари бузилиш ҳолатларини ҳисобга олиб, жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарга ҳам (худди айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари сингари) ишни юритишни умумий тартибда давом эттириш бўйича ариза ёки илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш лозим.

**Иккинчидан,** айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб жиноят ишини тугатиш учун вафот этганлиги асос бўладиган ҳолатлардаги (айбланувчи ва судланувчи) шахслар доирасини кенгайтиришни таклиф этамиз.

Шу сабабли, гумон қилинувчи вафот этганлиги ҳолатини ҳам айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш асосларидан бири сифатида Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига киритиш, мақсадга мувофиқ.

**Учинчидан,** Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 6-бандига қуйидаги мазмундаги таҳририй ўзгартириш киритиш лозим. “Иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган

ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, прокурор жабрланувчининг шикоятсиз ҳам жиноят ишини қўзғатиш ҳоллари бундан мустасно;”.

**Тўртинчидан,** Жиноят-процессуал кодекси 325-моддаси биринчи қисмида “жабрланувчининг вояга етмаганлиги” ҳолатини ҳам прокурорга жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқини берувчи ҳолат сифатида эътироф этилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, замонавий юриспруденция талаблари асосида илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, амалиётда юзага келаётган муаммоларга ечим топишга ҳам хизмат қилади.

## ХУЛОСА

Суд-тергов амалиётида жиноят ишини тугатиш институтини қўллаш муаммолари мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

### **I. Жиноят процессуал ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича таклифлар:**

1) Жиноят ишини тугатишни тушунчаси билан боғлиқ юридик манбалардаги фикр-мулоҳазаларни ўрганиб, уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали, мазкур тушунчани қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф этилади: *«Жиноят ишини тугатиш- бу ваколатли мансабдор шахсинг иш бўйича тўпланган далилларни баҳолаш орқали қонунда назарда тутилган муайян асосни қўллаш учун барча ҳолатлар ўз исботини топганига ишонч ҳосил қилиб, жиноят иши юритувини тугатиш хусусида қатъий хулосага келиши ва ишни процессуал қарор ёки ажрим чиқариш орқали тамомлашидир».*

2) Жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида «реабилитация» тушунчасига берилган таърифлар билан амалдаги ЖПК нормаларини чуқур таҳлил қилиш, қуйидаги янги таърифни ишлаб чиқиш имконини берди: *«Реабилитация гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумни қонунда белгиланган тартибда суднинг оқлов ҳукми билан айбсиз деб эълон қилиш ёхуд уларга нисбатан ЖПКнинг 83-моддасига биноан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки ишни тугатиш йўли билан қонунга хилоф равишда тергов ҳаракатларига жалб этиш, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, жавобгарликка тортиш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида етказилган барча турдаги зарарни давлат ҳисобидан ундириш ҳамда шахсинг аввалги мавқеини тўлиқ қайта тиклашга қаратилган процессуал фаолият».*

## **II. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

1) Жиноят ишини тугатиш учун вафот этганлиги асос бўлган шахслар доирасини кенгайтириш лозим. Амалдаги ЖПКда гумон қилинувчининг вафот этганлиги билан боғлиқ тартиби кўрсатилмаган. Бундан ташқари ЖПКнинг 333-моддасида гумон қилинувчи ёки айбланувчи вафот этганлиги ҳолатларида жиноят иши қўзғатилмаслиги кўрсатилган. Агар жиноят иши қўзғатилмаса шахс айбланувчи статусида бўлиши мумкин эмас. Шунинг билан тергов амалиётида гумон қилинувчи вафот этган ҳолларда тергов органи унга дастлаб айб эълон қилади, кейин жиноят ишини тугатади, бу эса ўз навбатида ЖПК 84-моддаси 2-қисмида кўрсатилган нормаларга зид бўлади. Шунга кўра, ЖПКнинг 84-моддаси, 1-қисми 3-бандини **“гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса”** таҳририда баён қилиш;

2) ЖПКнинг 84-моддаси, 1-қисми 6-бандини **“иш фақат жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) аризаси билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса ёки ушбу ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) томонидан қайтариб олинган бўлса, ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно”** таҳририда баён қилиш;

3) ЖПКнинг 84-моддаси, 1-қисмига кўшимча равишда 8-бандни киритиб уни қуйидагича яъни: **“шахс жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етган бўлсада, бироқ руҳий ҳолати бузилиши билан боғлиқ бўлмаган ақлий ривожланишда ортда қолганлиги оқибатида содир этган ҳаракатининг ижтимоий хавфлилигини тўлиқ англай олмаган ва ўзини бошқара олмаган бўлса”** таҳририда баён қилиш;

4) ЖКнинг 66<sup>1</sup> –моддаси 2-қисмида оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги

муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмаслиги белгиланган. Ушбу қисмини чиқариш;

5) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисмининг 1-3, 8-бандларида назарда тутилган асослар бўйича жиноят иш тугатиладиган бўлса, жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарнинг мулкӣ ҳуқуқлари бузилиш ҳолатларини ҳисобга олиб, жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарга ҳам (худди айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари сингари) ишни юритишни умумий тартибда давом эттириш бўйича ариза ёки илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш лозим.

Юқоридаги таклифлар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва либераллаштириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида жиноят-процессуал муносабатларда шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг тўлиқ таъминланишига хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Раҳбарий адабиётлар

- 1.1. *Мирзиёев Ш. М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистонда давлатни биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
- 1.2. *Мирзиёев Ш. М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган мурожаатномаси-2020 йил.
- 1.4. *Каримов И. А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
- 1.5. *Каримов И. А.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 27 б.
- 2.2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси-22.09.1994 йил
- 2.3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси-22.09.1994 йил
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Олий суднинг раиси, Миллий хавфсизлик хизмати раиси ва Ички ишлар вазирининг

2014 йил 23 июндаги “Порахўрлик жиноятлари ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш, бу тоифадаги жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўришда қонун талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш бўйича” Қўшма кўрсатмасининг 7-банди.

- 2.5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Аппартеид жиноятини тўхтатиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида»ги Конвенцияси (1973 йил 30 ноябрь) кириш қисмида қайд этиб ўтилган. – Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар.Тўплам. –Т., 2004. – Б.103–104.
- 2.6. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. – 2005. – № 2. – Б. 18–19.
- 2.7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон

### **III. Илмий адабиётлар**

- 3.1. Камалходжаев Д. Конституционные гарантии прекращения уголовных дел // Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари (2002 йил 14 ноябрь). – Т., 2003. – Б.151–152
- 3.2. Уголовный процесс: Учебник для вузов / Под общ. ред. В.И. Радченко.  
– 24-е изд., перераб. и доп. – М., 2006. – С.101.
- 3.3. Строгович М. С. Курс советского уголовного процесса, – М., 1970. Т.II. – С.168.
- 3.4. Жиноят процесси. ю.ф.н., доцент З. Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Т., 2003. – Б.91

- 3.5. Саидов Б. А. Дастлабки терговда шахснинг шаъни ва кадр-кимматини хурмат қилиш. – Т., 2004. – Б.43-47.
- 3.6. Низамов С. Ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш шакли сифатида. // Ҳуқуқ ва бурч. – 2009. – № 12. – Б.47.
- 3.7. Хожаназаров И. Яраштирувнинг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамияти // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2002. – № 4. – Б.84;
- 3.8. Ҳамидуллаев А. А. Ярашув институти: жазолаш судловидан ҳуқуқни тиклаш одил судловига ўтиш механизми. – Т., 2003. – Б.23–24.
- 3.9. Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – Б.130.
- 3.10. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик (Тўлдирилган ва қайта нашр қилинган иккинчи наشري) / Р. Кабулов, А. А. Отажонов ва бошқ. – Т., 2012. – Б.390. 2
- 3.11. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть / М. Х. Рустамбаев; под общ. ред. А. А. Палванзаде. – Т., 2004. – С. 549-550.
- 3.12. Қодиров К. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2002. – № 3. – Б.47–48.
- 3.13. Рустамбоев М. Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар: Умумий қисм / Б.М.Мустафоевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2006. – Б.462-463.
- 3.14. Наумов А. В. Российское уголовное право. Общая часть: Курс лекций. - 2-е изд., перераб. и доп. – М., 1999. – С.440-441;
- 3.15. М.Усмоналиев Жиноят ҳуқуқи умумий қисм - 2010 йил

3.16. М.Ҳ.Рустамбаев Жиноят ҳуқуқи курси жиноят ҳақида таълимот - 2018 йил

#### IV. Автореферат, диссертация ва монографиялар

4.1. Б.Муродов - Жиноят ишени тугатиш Назария ва амалиёт /Монография 2015йил

4.2. Бердиев Ш. Жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жиний жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари:

Юрид. фан. док. ... дис. – Т., 2011. – Б.13.

4.3. Вандышев В. В., Смирнов А. В. Основы уголовного судопроизводства. – СПб., 1996. – С.57;

4.4. Пидюков П. П. Отказ в возбуждении уголовного дела по нереабилитирующим основаниям: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Киев, 1990. С.15.

4.5. Юнусов А. А. Теория и практика эффективной подготовки уголовного дела к судебному разбирательству: (К разработке концепции): Монография. – Казань, 2005. – С.234; Кибальшк А. Иммуниет қак асоси освобождени от уголовной ответственности // Рос. юстиция. – 2000. – № 8. – С. 11.

4.6. Саидов Б .А. Даствлабқи терговда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қафолатлаш муаммолари // Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гарови: Халқаро илмийамалий конференция материаллари (2008 йил 14 март). – Т., 2008. – Б.98.

4.7. Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш // Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш:

илмийназарий конференция материаллари. Т., 2008. – Б.46;  
Сахаддинов С. М.

Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш ва уларни  
такомиллаштириш муаммолари:

- 4.8. Исмаилов И., Зиёдуллаев М., Исраилова Н., Азимова Ф. Вояга  
етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини  
олиш: Ўқув амалий қўлланма. – Т., 2011. – Б.66.
- 4.9. Холиқулов У. Тарбиявий таъсир самараси // Ҳаёт ва қонун. – 2002. – №  
5. – Б.45.

#### V. Интернет саҳифалари

- 5.1 <https://www.lex.uz/mobileact/111460>
- 5.2 <https://advice.uz/uz/document/1265>
- 5.3 <https://qomus.info/encyclopedia/cat-j/jinoyat-ishini-tugatish-uz/>
- 5.4 <https://www.norma.uz/>
- 5.5 <https://www.uzreport.new/>
- 5.6 <https://www.library.zionet/uz/>